ЎзССР Давлат китоб палатаси
Рус. кенжаги Давлат палатаси ЎзССР
F 90296

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1996 йил 7 февраль. Чоршанба. № 6 (14304) تركستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

ДАВОС: ЯНГИ УЧРАШУВЛАР, ЯНГИ РЕЖАЛАР

Швейцариянинг Алп тоғлари бағридаги кичиккина Давос шаҳри номи бугунги кунда каттаю-кичикка яхши маълум. Мана, 25 йилдирки бу ерда жаҳоннинг таниқли иқтисодчилари, давлат ва жамоат арбоблари, савдо-саноат ва молия доираларининг намоёндалари ҳар йили бир марта учрашиб, дунё иқтисодиёти тараққиётининг долзарб муаммолари, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболларини муҳокама қиладилар. Саммоялар оқимининг стратегик йўналишларини белгилайдилар.

Таниқли иқтисодчи ва жамоат арбоби Клаус Шваб ташаббуси билан ташкил этилган бу анжуман обрўйи кейинги йилларда жуда ҳам ортиб кетди. Унда тобора кўпроқ давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Бу албатта бежиз эмас. Давосда расмий маърузалар, қатъий белгиланган қоидалар йўқ. Анжуман доирасидаги жонли суҳбатлар, эркин мулоқотлар ва мунозараларда барча иштирокчилар қатнаша оладилар. Ана шундай учрашувлар жараёнида жаҳон иқтисодиётидаги янги йўналишлар, илғор мамлакатлар тажрибалари муҳокама қилинади. Узаро ҳамкорлик режалари дунёга келади.



Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Давос анжуманида бу йил бешинчи марта иштирок этмоқда. 1992 йилги илк учрашув кўпчиликнинг ёдида қолган. Ушанда юртбошимиз ёш мустақил давлатимизнинг иқтисодиётини ислоҳ қилиш борасидаги ўзига хос йўли, мамлакатимизнинг ички имкониятлари, хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулайликлар ҳақида сўзлаган эди. Президентимизнинг нутқи жаҳоннинг молия ва банк вакиллари, йирик сармоядорларида катта қизиқиш уйғотди. Кейинги йиллардаги анжуманлар жараёнида мулоқотлар бу қизиқишни янада кучайтирди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш режалари ўртага ташланди. Олтин қазиб олиш, нефть, газ ва пахтани қайта ишлаш, транспорт тармоғини кенгайтириш, банк тизимини ривожлантириш каби муҳим соҳаларга жалб этилаётган хорижий сармояларда Давос анжуманининг аҳамияти катта бўлди.

Ўтган йили мазкур анъанавий учрашув доирасида Швейцариянинг Алтендерф шаҳрида мамлакатимизнинг йирик савдо уйи очилди. Савдо уйининг очилиш маросимида сўзлаган мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон «Буюк ипак йўли»да Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи бугин сифатидаги ўзининг тарихий ўрнини қайта тиклаётганини алоҳида таъкидлади.

Хўш, бу йилги анжуманда қандай масалалар муҳокама қилинди? Энг аввало жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати, иқтисодий тараққиёт йўлидаги қийинчиликларни бартараф этиш борасида қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз делегацияси аъзолари «Жаҳон ақл-заковат ҳаракати» деб аталган баҳсларда фаол иштирок этишди. Юртбошимиз хорижий мамлакатларнинг анжуманга келган давлат ва жамоат арбоблари, йирик компаниялар ва банклар раҳбарлари билан учрашиб, суҳбатлашди. Швейцария оммавий ахборот воситалари, хорижий журналистлар Ўзбекистон вакилларининг иштирокини кенг ёритдилар. Президентимиз журналистлар билан учрашувда рспубликамиз иқтисодиётининг асосий йўналишлари, хорижий сармоядорларга берилаётган давлат кафолатлари, турли соҳаларда амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик ҳақида сўзлаб берди.

Узбекистон иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига дадил қадам қўйди. Табиийки, хорижий сармояларни қанчалик кўп жалб этсак, иқтисодиётимизни барқарорлаштириш жараёни шунча тезлашади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, бу галги Давос учрашуви ҳам бежиз кетмайди. У янги ҳамкорлик режаларининг бошланувидир. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилув жараёнида яна бир босқич бўлиб қолади.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
«Туркистон»
шарҳловчиси.

Беором дил изҳори

ТОЖИКИСТОНЛИКЛАР — ЖИГАРГЎШАЛАРИМ

Халқимиз бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, дейди. Бу мақолда ҳикмат кўп. Мен Узбекистоннинг бир фуқароси сифатида Тожикистонда бўлаётган узаро низолардан юрагим қон. Кечалари уйқум қочиб кетади. Миллатим тожик бўлганлиги учунгина бу сўзларни ёзаётганим йўқ, азиз биродарлар. Айтинг, қачон, қайси миллат узаро низолар туфайли мақсадига эришган? Бас, шундай экан, ҳамма муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш вақти етди.

Тарихдан маълум: тожик-тожикка қўл кўтармаган, Бу хунрезликлар айрим раҳбарлар ва уларнинг узоқ-яқиндаги ҳомийларнинг узаро кураши оқибатида содир бўлаётганини кўпчилик яхши билади.

Тожикистон азал-азалдан меҳнатсевар, дилкаш, фозил кишилари билан дунёда ном қозонган. Бунга кўҳна тарих гувоҳ. Мен ундай инсонларнинг кўпчилигини яхши биламан. Зеро, бу диёрнинг қадимий тарихга эга бўлган шаҳарларидан бири — Уратепада туғилиб, камол топганман, Хизмат юзасидан унинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини пиёда кезганман. Тожикистоннинг Душанбе, Хўжанд, Қурғонтепа, Кулоб-у Турсунзода, Ҳисор водийси ва Конибодом шаҳарларида қариндош-уруғларим, ёру биродарларим яшайди. Уларнинг нотинч тунлари, бошларига тушган жудоликларни ўйласам, бу низоларга қачон чек қўйиларкан,: деган ўйлар хаёлимдан кечаверади.

Тақдир тақозоси билан қирқ йиллардан бери Узбекистонда, сахий қалб, меҳри дарё халқнинг бағрида эмин-эркин яшаяпман. Шу ерда таълим олдим. Эл назарига тушдим. Фарзандларим ҳам шу юртда камол топмоқда. Уларнинг бири фан номзоди, бири шифокор, бири журналист. Ҳаммаси бахтли, саодатли. Тинчфаровон юртда яшаш бахт! Узим тожик тилида чиқадиган газетада оддий мусаҳҳиҳликдан бош муҳаррирлик лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтдим. Бир умр тожик-ўзбек дўстлигининг ривожига камтарона меҳнатим билан ҳисса қўшмоқдаман. Икки буюк халқнинг Мирзо Турсунзода билан Ғафур Ғуломдек фарзандлари қўйлаган дўстлик,биродарлик, қонқардошликни кўз қорачиғидек асрашга ҳаракат қилмоқдаман.

Азалдан тожик ўзбекнинг дарди,шодлиги айри бўлмаган. Буни юртбошимиз Ислом Каримов юритаётган ташқи ва ички сиёсат ҳам тасдиқламоқда. Узбекистонда барча миллат ва элатларнинг тинчтотув яшаши, уз миллий қадриятларини ривожлантириши учун замин яратилган. Республикамиз Марказий Осиёда, айниқса, Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш сиёсатини оғишмай ҳаётга татбиқ этмоқда. Ёдингизда бор, БМТнинг эллик йиллик юбилейи анжуманида ҳам Президентимиз Тожикистонда бўлаётган нохушликларга барҳам бериш учун дунё жамоатчилигининг эътиборини қаратди. Тожикистон халқига узбеклар мунтазам амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, Куни-кеча Узбекистондан жўнатилган иссиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари тожикистонликлар бағрига Узбекистоннинг қайноқ меҳрини олиб борди.

Мен Узбекистонда амалга оширилаётган буюк яратувчилик ишларининг гувоҳи бўлаяпман. Мамлакатда ислоҳотлар жорий этилмоқда. Халқ яратувчилик ишқи билан ёниб яшаётир. Бу юртнинг фарзандларида Ватанга меҳр, истиқлолга ишонч ортмоқда!

Дўст бошига иш тушганда унга мадад бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш узбек халқининг азалий одати. Буни куни-кеча Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Тожикистон Президентига, Парламентга ва халқига мурожаатномаси» ҳам ёркин далил бўла олади.

Ундаги қўйидаги сатрлар менинг қалбим нидоларига ҳамоҳангдир: «Қурол кўтариб чиқиш ҳамда қарама-қарши туриш ҳеч қачон тинчликка эришиш усули бўлмаган ва табиийки, бу йўлни ҳеч ким ҳеч қачон қуллаб қувватламайди...»

Азиз жигаргўшаларим, Сизларга яна бир бор таъкидламоқчиман: қурол билан, қон тўкиш йўли билан ҳеч бир миллат ўз мақсадига эришмаган. Тожикистон мухолифдаги кучлари барча муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишига ишончим комил. Зеро, тожик халқи, келажак авлод бундай падаркушлик, беҳуда қон тўкилишини ҳеч қачон кечирмайди!

Шавкат НИЁЗОВ,
«Овози тожик»
газетаси
бош муҳаррири.

ВИЛОЯТ ПЛЕНУМИ

Фарғонада Узбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Олтиариқ ҳамда Боғот туманлари қўмиталари биринчи котиблари бўлиб ишлаган Д.Жураев ва Ғ.Абдуллаев вилоят қўмитаси котиблари этиб сайландилар.

Шунинггдек, пленумда ёшлар ҳаёти, ташкилот муаммолари, мақсад вазифаларига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум ишида Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби С.Очилов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Тошкент давлат аграр университетида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Уни республика Олий ва урта махсусс таълими вазирлиги билан Қишлоқ хўжалик вазирлиги ташкил этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ватан ҳам саждагоҳ сингари муқаддас эканлигини, уни гуллаб-яшнатиш ва янада равнақ топтириш учун ҳар бир соҳа вакили фидокорона меҳнат қилмоғи лозимлигини таъкидладилар. Бугунги кун талабига жавоб берадиган етук мутахассислар тайёрлаш, улар қалби ва онгига ватан туйғусини сингдириш борасида профессор-ўқитувчилар олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслахатчиси Алишер Азизхўжаев сўзга чиқди.

ЧОРВАДОРГА МАДАДКОР БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида акционерлик жамиятларининг чорва фермалари фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда вазирлик, корпорациялар, республика банкларининг раҳбарлари ҳамда шу соҳа вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда чорва фермалари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди. Ҳиссадорлик жамиятларига қарашли фермаларда ўтган йили қорамол ва соғин сигирлар сони кескин камайганига эътибор қаратилди. Натижада чорва маҳсулотлари, айниқса, гўшт ва сут етиштириш кўнгилдагидек бўлмади. Баъзи туманларда айни бир хил шароитда турли натижага эришаётган фермалар мавжуд. Мулк ҳақиқий эгасини топмаган жамоаларда самарадорликка эришиб бўлмайди. Республикамизда 150—180 бош қорамолга эга бўлган фермалар оз эмас. Лекин уларни озуқа экинлари етиштириладиган ер билан таъминлаш ҳамон пайсалга солинмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар айрим фермалар чорвачиликдан яхши хабардор бўлмаган кишилар қўлига топшириб қўйилганини, баъзи жамоаларнинг раҳбарлари қийинчиликларни бартараф этиб, юксак самарадорликка эришиш ўрнига, боқимандалик кайфиятидан қутулолмаётганини таъкидладилар.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларга тезда барҳам бериш, акционерлик жамиятлари чорва фермалари ишини яхшилаш, чорва молларини тўйимли омихта ем билан таъминлаш чоратадбирлари белгиланди.

(ЎзА).

«Туркистон» шарҳи

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ҲУРМАТИ

Вазирлар Маҳкамасининг пахта ва галла етиштириш бўйича 1995 йил якунлари муҳокама қилинган йиғилишда Республикамиз Президенти қўпгина ҳокимлик, хўжалик раҳбарлари галла мустақиллигига эришиш сиёсатини тушуниб етмаётганликлари, масъулиятсизлик, лоқайдлик иллатларидан халос бўла олмаётганликларини кескин танқид қилган эди. Мажлисда, жумладан, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида дон маҳсулотлари етиштиришга етарли эътибор берилмаётгани алоҳида таъкидланди.

Жиззах вилоятида 1994 йили галла экиладиган жами майдон 46822 гектар эди. 1995 йилда бу кўрсаткич карийб икки баравар кўпайди, яъни 73847 гектарга етди. Шунга қарамай, вилоятда мўлжалдаги 349 минг тонна дон маҳсулотлари тайёрланмади. Ҳосилдорлик ҳам кенгайтирилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда кўпаймади. Ялпи ҳосил — суғориладиган ва лалмикор ерларда, томорқалар ҳамда саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган галланинг жами миқдори 310267 тоннадан иборат бўлди.

Дон сочилган майдонлар ҳажми кескин кенгайса-да, Сирдарё вилоятида ҳам белгиланган 258 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинмади.

Бу ҳол галлазорларда агротехник тадбирларнинг вақтида бажарилмагани, пайкалларга сифатсиз уруғлик экилгани, шунингдек, ўрим мавсумида комбайнлар етишмаслиги туфайли ҳосилнинг муайян қисми тўкилиб, исроф бўлгани сингари қатор сабаблар билан изоҳланади.

Келинг, ана шу сабабларни бирма-бир, чуқурроқ таҳлил қилиб кўрайлик.

Агротехник тадбирларни уз вақтида бажармаслиги муаммоси бевосита ёқилғи, ўғит, иш ҳақи таъминоти каби омилларга бориб тақалади. Бу эса ўз навбатида, тайёрлов ташкилотлари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шартномаларни кечиктирмай тузиш ва ундаги шартларни томонлар аниқ бажариши билан боғлиқдир.

Жиззахда ҳам, Сирдарёда ҳам 1995 йил ҳосили учун шартномалар тузиш жараёни жуда чўзилиб кетди. Шартнома бўйича тегишли маблағларни олиш эса ундан-да қийин кечди. Ҳуллас, бу аччиқ сабоқлар вилоятлардаги аксарият хўжаликлар раҳбарлари, ҳаттоки айрим ҳуқуқшуносларнинг ҳам шартноманинг аҳамиятли жиҳатларини теран тушуниб етмаганини кўрсатди. Кўпинча, томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳис этмасдан, шартнома шартларини тушунмасдан туриб ушбу хужжатларни имзолашлари бир қатор англашилмовчиликларни келтириб чиқарди. Яъни, галлакор хўжаликлар ўз вақтида моддий ва маънавий қўллаб қувватланмади. Аксинча тайёрлов идоралари ва молия ташкилотларининг галлакорлар билан муносабатларида бепарволик «, баъзан эса зуравонлик кайфиятлари зоҳир бўлди. Шу маънода, Президент тайёрлов идоралари билан хўжаликлар ўртасида тузиладиган шартномалар эркин, узаро манфаатли, рағбатлантирувчи, ҳар қандай зуравончиликлардан холи қонуний ҳужжат бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Ўтган йиллари Сирдарё ва Жиззах вилоятларида етарли миқдордаги сара уруғлик йўқлиги туфайли кескин кўпайган. Галла майдонларининг маълум қисмига аралаш уруғ экишга тўғри келган эди. Натижада, ана шу пайкаллар ҳосилдорлиги керакли кўрсаткичга чиқмади. Афсуски жойларда бу ҳатодан зарур хулоса чиқариб олинмаган экан. Йўқса, 1996 йил ҳосили учун жиззахликлар давлат ресурсидаги 7 минг тонна галлани уруғлик ўрнида ишлатиб юборганларини қандай тушуниш мумкин?

Албатта, ҳосил чўғи, ўрим-йиғим муваффақияти қишлоқ хўжалиги техникасини мавсум «га ўз вақтида ва пухта шайлаб қўйиш билан бевосита боғлиқдир. Аммо, техника етишмаслигини баҳона қилган Сирдарё вилоятида мавсумнинг қизғин палласида — 1995 йил 1 июнигача мавжуд 297 та ўрим комбайнидан 268 таси, яъни фақат 87 фоизи ўримга тахланганига нима дейсиз? Жиззахда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Иккала вилоятга қўмак учун қўшни республикалар ва вилоятлардан комбайнлар келтирилди. Тўғри, хашар — хайрли ва самарадор тадбир. Лекин ҳашарга келган техниканинг аксарияти ўримга яроқсизлигини қандай изоҳлаш керак? Бу ҳол қишлоқ хўжалиги соҳасини янги ва замонавий техника билан тўлдириш, мавжудларини уз вақтида таъмирлаш, зарур эҳтиёт қисмлар муаммосини ҳал этиш борасида ҳар икки вилоятдаги ишлар ўлда-жўлда лигидан дарак беради.

Бундан ташқари, Сирдарё ва Жиззахда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари хаспўшлашга уринган баъзи нуқсонлар ҳам мавжудки, агар бу камчиликлар дадиллик билан бартараф этилса, мазкур вилоятлар республиканинг галла хирмонига ҳозиргига нисбатан анча салмоқли ҳисса қўшган бўлур эди.

Дейлик, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари текширишлари чоғида бир қанча галлачилик хўжаликлари раҳбарлари, мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан талон-торожлик, суиистеъмолчиликлар ва бошқа қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Шунингдек, галла етиштирувчи хўжаликларнинг айрим мансабдор раҳбарлари томонидан хизмат ваколатларидан фойдаланиб, хўжаликнинг аҳволини ижобий кўрсатиш мақсадида экин майдонлари ҳажмини галла топшириш ҳисоботларини ошириб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилган. Ҳар икки вилоятда ҳам эски тузумдан мерос бу иллатни «қўшиб ёзиш» деб эмас, балки жойлардаги ҳисобчилар йўл қўйган «тушунмовчиликлар» дея аташимизни таклиф қилишди. Раҳбар акахонларнинг галла мустақиллиги жараёнини янги истиқлол билан бойитишга «иштиёқмандликлари» боисини тушунамиз, албатта. Қолаверса, экилмасада, рўйхатга кирган галла майдонлари, етиштирилмаса-да, ҳисобда мавжуд бўлган ҳосил миқдори, бажарилмаган меҳнат учун тўланган ортиқча маблағ — буларнинг бари қўшиб ёзиш экани ҳам тушунарли. Фақат, қўшиб ёзиш нима учун «тушунмовчилик» аталиши тушунмадик, холос.

Кези келганда таассуф билан айтиш керакки, бундай камчиликлар бошқа вилоятларга ҳам хос экани сир эмас. Ҳокимликлар, тегишли вазирликлар ва бошқа мутасаддилар ташкилотлар галлани кўпайтириш фаоллаштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, дон маҳсулотлари таннатхини тартибга келтириш каби қўплаб масалаларда ташаббускорлик кўрсатмаяпти. Жойлардаги раҳбарларимизда масъулият ва ташкилотчилик етишмаяпти. Айниқса, янги хирмон тақдири ҳал бўладиган шу кеча-кундузда бу жабҳадаги ҳар қандай бепарволик мустақилликка, ризқ-рўзимиз — нонга нисбатан ҳурматсизликдир. Зотан, галла мустақиллиги — юрт истиқлолининг узвий қисми ҳисобланади.

Республикамиздаги галла майдонларини янада кўпайтириб, унинг ҳосилдорлигини ошириш учун зарур барча омиллар — ер, сув, ўғит, ёқилғи, ишчи кучи етарли. Ҳамма гап ана шу омиллар узаро боғланиб, ягона мақсад — галла мустақиллигини таъминлаш йўлида изчил хизмат қилиши учун ташаббус, жиҳоат ва ташкилотчилик кўрсатиб ишлаш қоляпти.

Ғулом МИРЗО,
журналист.

11 февраль Эрон Ислом Республикаси байрами

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Эрон халқи яна бир неча кундан кейин ислом инқилобининг 17 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан муҳбиримиз Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мухсин ПОНОЙИН жаноблари билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Муҳтарам элчи жаноблари, инқилоб ва унинг самаралари ҳақида гапириб берсангиз.

— 1979 йил 11 февралида Эроннинг мусулмон эрксевар халқи ҳазрат Имом Ҳумайнийнинг оқилона раҳбарлигида мамлакат ичидаги истиблод ва ажнабийлар истеъмори устидан ғалаба қозонди. Инқилобдан аввал Эрон халқи мустақиллик ва озодлик тушунчаларини тўла маъносида тушуниб етмаганди. Ҳукмрон тузум ва унинг хориждаги ҳомийларининг асл мақсади исломий маданиятни йўқотиб, мамлакатда ёт маданиятни тиқиштириш эди. Инқилобимиз даврида уч асосий шиор қўтарилган эди. Булар Озодлик, Мустақиллик, Ислом Жумҳурияти. Бу шиорларнинг барчаси ҳаётга тадбиқ этилди. Халқимиз озодлик руҳида ўтказилган бир неча сайловларда қатнашиб, Конституция ва исломий тузумга овоз берди, бир неча бор Парламент ноиблари ва Президентни сайлади. Бугунги кунда Эрон жаҳон мамлакатлари билан дўстона алоқалар ўрнаттани ҳолда ҳеч бир давлатга қарам эмас ва ҳеч бир блокка қўшилмаган. Танлаган сиёсий йўлидан мустақил равишда бормоқда.

Илм-фан ва технологиянинг ривожланиши, жамиятнинг исломий мезонлар асосида юксалиши ва шаклланиши Эроннинг мустақиллигини кафолатлади. Мамлакатидаги муҳим ободонлаштириш лойиҳаларининг пухта режалаштирилганлиги ва изчил ижро этилаётганлиги ривожланиш масалалари бўйича халқаро эксперт — мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Инқилоб ғалабасидан кейин Эрон ташқи сиёсати олдига қўйилган вазифалардан бири жаҳоннинг бўҳронли нуқталарида, айниқса, Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида тинчлик ва осойишталик ўрнатиш йўлида саъй-ҳаракат қилишдан иборатдир. Эроннинг Афғонистон, Тожикистон ва Қорабоғдаги бўҳронларни ҳал этиш учун олиб бораётган тинчликсевар фаолияти бунга мисол бўла олади.

— Узбекистонда элчи сифатида фаолият бошлаганингизга тўрт ой бўлди. Шу муддат давомида юртимиз сизда қандай таассурот қолдирди?

— Аҳолиси 23 миллион бўлган, иқтисодий имкониятлари улкан юртингизни Марказий Осиенинг эртаси буюк давлати бўлажагига ишонч билдираман. Сизда мавжуд иқтисодий имкониятлар етарли. Етук ишлаб чиқариш кучлари ва мутахассислар, меҳнаткаш ва сергайрат халқингиз, келажакни кўра оладиган ва зукко раҳбарингиз бор, буларнинг бари Узбекистон равнақи учун муносиб шарт-шароитлар яратган. Узбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадош бўлиб, уни минтақада жойлашган мамлакатларнинг маркази ва мувозанат нуқтаси деб аташ мумкин. Узбекистон цивилизация ва маданият тарихи нуқтаи назаридан неча минг йиллик тарихга эга. Яқин келажакда мозийнинг буюк маданият беланчаклари бўлмиш Бухоройи шариф ва Хиванинг 2500 йиллиги ва Самарқандннинг 2525 йиллиги тантанали равишда байрам қилинади. Қўрғони каримнинг биринчи тафсири бўлмиш «Тафсири Табарий» айнан Самарқанд шаҳрида ёзилган. Самарқанд, Бухоро ва Хивада файз таратиб турган мадрасаю масжиддар, у ерда яшаб ва ижод этган, халқ фахри бўлмиш Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломалар мероси қадимий исломий маданият даракчиларидир.

Узбекистон ва Эрон милоддан кўп асрлар аввал, айниқса, ахмонийлар хукмронлиги даврида узаро алоқада бўлгани. Мўғуллар истилосига қадар Моваройнаҳрда хукумат юргизган барча силсилалар Эрон ва Узбекистон тарихининг муштарак даврлари бўлиб ҳисобланади. Мўғуллар хукмронлигидан кейинги айниқса, темурийлар салтанати йилларида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада кенгайган. Самарқанддаги Амир Темур мақбараси Эрондаги улуғ мутафаккирлар мақбараларига жуда ўхшашдир ва уни тиклашда эронлик меъморлар ҳам иштирок этишган.

Наврўзи олам, Рамазон ҳайит, Қурбон ҳайит каби миллий ва исломий байрамларнинг мажмулиги, ҳар иккн халқнинг ўз миллий ва исломий анъаналари, урф-одатларини анайлаб-асрашга интилишлари, Наврўз байрамини тантанали нишонлашлари маданий муштараклик белгиларидир.

— Элчи жаноблари, Эрон билан Узбекистон ўртасидаги иқтисодий хамкорлик алоқаларини қандай бахолайсиз?

— Эрон Узбекистон мустақиллигини биринчилар қатори расмий тан олган мамлакатлардан биридир. Икки давлат олий мартабали хайъатларининг, айниқса, Ислом Каримов жаноби олийларининг Эронга расмий ташрифлари ва Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийларининг Узбекистонга қилган сафарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантирди. Ўтган йили Тошкентда икки давлат ўртасидаги иқтисодий хамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Қўшма комиссиянинг иккинчи мажлисини Техронда ўтказиш хақида келишиб олинди.

Ҳозирги пайтда узаро муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилганди. Шу маънода Ўзбекистоннинг Европа, Форс қўрфази ва Уммон денгизи сувларига чиқиши учун Эрон йўлларидан фойдаланиши алоҳида аҳамият касб этади. Эрон Ислом Жумҳурияти мазкур йўллардан фойдаланишни Марказий Осиё мамлакатлари тараққиётининг муҳим омилларидан бири деб билади. Шунинг учун ҳам хукуматимиз Узбекистон юк машиналарининг Эрон орқали бошқа мамлакатларга ўта олиши учун керакли қулайликларни яратиб беришга тайёр. Тежен-Серахс ва Серахс-Машҳад йўналишидаги темир йўл жорий йил апрель ойида ишга туширилади. Бу йўл Узбекистонни очиқ денгизга олиб чиқади.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг хоҳиш-иродаси халқларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ва шу сабабли мен ишонч билан муносабатларимизнинг келажаги порлоқ бўлади, деб айта оламан.

Н. МИСРИДДИНОВ
суҳбатлашди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини кенг халқ оммасига тушунтириш, уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш матбуот ходимларининг муҳим вазифасидир. Бу эса журналистларнинг турли соҳалар бўйича билим доирасини кенгайтиришни тақозо этади.

Шу мақсадда республика Президенти девони ахборот марказида солиқ қўмитаси вакилларининг журналистлар билан учрашуви ўтказилди.

Давлат солиқ қўмитаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги шароитда солиқ тизимини янада такомиллаштириш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда? Бу йўлда қандай муаммолар мавжуд? Қўмита раисининг ўринбосари Ш. Ўринбоев иқтисодий мавзуда қалам тебратаётган шарҳловчиларга ана шу ҳақда батафсил сўзлаб берди. Мутахассислар журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Ахборот марказида бундай мулоқотлар мунтазам ўтказиб турилади.

(ЎзА).

Кадрлар ўқуви

БИЛИМ — КУНДАЛИК ИШДА АСҚОТАДИ

Илгари хабар қилинганидек, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бир ойлик тезлаштирилган ўқув дастури бўйича туманлар, асосан қишлоқ туманлари ҳокимларидан катта бир гуруҳининг малакасини ошириш курси ташкил этилган эди. Бу машғулотларни ўтказишдан мақсад — жойлардаги ҳокимият вакилларини мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётидаги устивор йўналишлар ҳамда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан таништиришдан иборат. Дастурда Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби ва бошқа асарларини ўрганишга алоҳида эътибор берилган.

Дастурга мувофиқ 6 февраль куни туманлар ҳокимлари «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси иши билан таништилар. Бу ерда очиқ майдонда уларга корхонанинг турли-туман маҳсулотлари, Тошкент ва Чирчиқдаги бошқа машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик машиналари ва мосламалар намойиш этилди. Меҳмонлар бирлашма музейида ҳам бўлишди.

— Бир ойлик ўқиш мобайнида биз билимимизни анча оширдик, кўпгина янги нарсаларни кўрдик, — деди Олий Мажлис депутати, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими Манзура Эгамова. — Машғулотларга йирик олимлар, республика олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари жалб этилган. Машғулотлар туфайли давлатимиз тараққиети йўллари ва келажаги, туман ҳокимлари олдида турган вазифалар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлдик. Бу ерда олган билимларимизни кундалик ишимизда қўллаймиз.

(ЎзА).

Ўзбекистон — Ватаним маним

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги шарафига «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Жойларда ушбу тадбирга бағишлаб катта ишлар қилинмоқда. Мухбиримиз пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида кўрик-танловга тайёргарлик қандай бораётгани билан танишиш мақсадида мазкур туман маданият ишлари бўлими мудири Ҳаёт Одилов билан суҳбатлашди:

— Аввало шуни айтиш керакки, кўрик-танловнинг моҳият ва аҳамиятини туманимиз ҳокимиятидаги масъул кишилар тўғри тушуниб иш тутишмоқда. Ушбу тадбирга 55 минг сўм маблағ ажратиш тўғрисида фармойиш берилди. Бундан ташқари хомийлар томонидан 14 та катта совринлар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Албатта ҳар бир тадбирнинг қанчалик кўнгилдагидек ўтиши аввало ташкилий қўмитага боғлиқ. Туман ҳокимининг биринчи муовини З. Файзуллаев раислик қилаётган ҳамда профессор Аҳмад Одилов, бастакор Аваз Мансуров, консерватория ўқитувчиси К. Кароматова, шоир Муҳаммад Али ва бошқалардан иборат ташкилий қўмита ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмоқдалар.

Айни кунда кўрик-танловни муваффақиятли ўтказиш мақсадида Тошкент Давлат консерваторияси, маданият институти, Ҳамза номли мусиқа билим юрти, маданият муассасалари, мактаб ўқувчилари, боғча болалари, қўйингки тумандаги барча ижодкор ва санъаткорлар жалб этилмоқда. Жумладан, туманимизда истиқомат қилувчи Насиба ва Элдор Абдуллаевлар ўзларининг «Самарқанд» гуруҳлари билан фаоллик кўрсатишмоқда.

Истиқлолга бағишланган ушбу тадбир туманимизда уч босқичда ўтади. Бу ўз навбатида ҳаваскорлар, санъаткорлар орасидан иқтидорлиларини танлаш, қолаверса, она Ватанни мадҳ этувчи янги қўшиқлар яратилишига имкон беради.

М. АБДУСАМАТОВА.

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети республикамиздаги энг кенжа ўқув даргоҳларидан, У Президентимизнинг 1992 йил 23 сентябрь Фармонига кўра таъсис этилган. Бу ерда ўқитилаётган фанлар дастурлари хорижий мамлакатларнинг энг нуфузли университетларидан андоза олиб тузилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Биз талабалар билан мулоқотда бўлиб, у ердаги таълим-тарбия, илм йўлида қилинаётган изланишлар, янгиликлар ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдик.

— Университетимизда ҳуқуқ, иқтисод, сиёсат борасида мутахассислар тайёрланади, — дейди Халқаро алоқалар факултетининг 3-курс толиби Фируз САФОЕВ. Талабаликнинг илк кунларидан бошлаб барча диққат эътиборни чуқур билим олишга ва ички тартиб-қоидаларга сўзсиз риоя этишга қаратмоқдамиз. Биз талабалар зиммамизда турган улкан масъулиятни ҳар қадамда ҳис этиб турамиз, Келажакда қайси соҳада ишламайлик республикамиз шаънини юксакларга кўтаришга интиламиз. Ўқиш, дам олиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Жамшидбек ҒОЗИЕВ ҳам шу факультетнинг 2-курсида таҳсил олади. — Бу ерда ўқиш жуда қизиқарли — дейди у. — Бекор турган ёки юрган одамнинг ўзи йўқ. Ҳамма нима биландир овора, тиниб-тинчишмайди. Сиёсат, иқтисодиёт, дипломатия асослари тамойилларини айниқса пухта ўрганамиз. Келажакда мустақил республикамиз равнақига ҳисса қўшишимиз зарурлигини ўйласак, янада кўпроқ ўқишга, мутахассислик сир-асрорларини астойдил ўрганишга белни қаттиқроқ боғлаймиз.

Робиябону АКРАМОВА халқаро журналистика бўлимининг 3-курсида ўқийди. Пойтахтдаги 254-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ журналист бўлишни дилига тугиб қўйган эди. Шу ниятда университетга ҳужжат топширди. Омади келиб, талаба бўлди.

— Бирдан бир орзуим хорижда журналист бўлиб ишлаш, — дейди у. Биламан, оғир. Аммо бутун кучимни, билимимни шу соҳага сарф қилишни истайман, Республикамиз равнақига ўз ҳиссамни қўша олсам ўзимни бахтиёр деб билардим.

Шаҳобиддин ИНОМОВ яқинда Олмонияда бўлиб қайтди. Сафар таассуротлари ҳақида берилиб сўзлайди:

Университетимизнинг 20 нафар талаба ва ўқитувчилари Олмониянинг 14 та шаҳридаги ўқув даргоҳларида бўлдик. У ердаги тартиб-интизом, одамларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари кишини ҳайратга солади. Немис профессорлари, студентлари ва аспирантлари билан мулоқотда бўлганимизда, университетда хорижий тилни пухта ўрганаётганимиз жуда асқотди. Бонн университетида ўзбек тилини ўрганаётган талабалар билан учрашдик. Улар ўзбекча соф, чиройли гапиришар, Шарқ маданиятини жуда қадрлашар экан.

Муҳаммад АМИН.

Суратларда: талабалар хаётидан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

Ҳозирги ёшлар

МУҲИМИ, ИШИ ЎЗИГА ЁҚАДИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультетини битириб келган Баҳромни отаси самимий табриклади. Сўнг мақсадга ўтди: «Энди қаерда ишламоқчисан?»

— Ҳали ўйлаб кўрганим йўқ.

Баҳром институтда ўқиган китобларини варақлаб ўтириб хаёл суриб қолди. «Отам йигирма йил туман ташкилотига раҳбарлик қилди. Ҳозир калхўзга раис. Лекин... саҳарда туриб, ишга кетади. Ярим кечада хориб-чарчаб қайтиб келади. Мансабни ҳам чидаганга чиқарган-да. Энг яхшиси, калхўздан ер олсам-чи...»

У фикрини отасига дангал айтди. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раҳбарлари — Чори Хўжаназаров билан Раҳмон Ашуровга учрашди. Уларга ҳам бу фикр маъқул тушди.

— Раҳмат, ўғлим, тўғри ўйлабсан. Ишни оддий вазифадан бошлаган қоқилмайди, — деди отаси хурсанд бўлиб.

...Мана, бир неча йилдирки, Баҳром Мамаражабов фермер. Қисқа фурсат ичида давлатга саккиз тонна гўшт топширди.

— Институтда буйинбоғ тақиб, гердайиб юрган эканмиз, — дейди Баҳром кулиб. — Мана, энди... Лекин ачинмайман.

— Ғалладан яхши ҳосил олибсизлар.

— Ҳа, ўн гектар еримиз бор. Ҳам ғалла, ҳам хашак дегандай...

— Уттиз бош қорамолни хашак билан, озуқа билан боқасиз, ҳам уч маҳал сувлайсиз. Бунинг устига далада экинингиз бор экан...

— Қандай уддалаяпсиз, демоқчисиз-да? Укаларим Отабек билан Бахтиёр ҳам ёшлигидан ишчан бўлиб усишган. Ишнинг кўзини билишади. Ўшалар ёрдам беришаётир.

— Қандай эзгу ниятларингиз бор?

— Насиб этса, моллар сонини янаям кўпайтирмоқчиман. Ғалладан 35-40 центнердан ҳосил олишни кўзлаб турибмиз.

Баҳром Мамаражабов билан гурунглашаётиб, молхонага кўз югуртирдим. Қорамолларнинг ҳар бири тўрт юз, беш юз килограммдан тош босади.

Баҳромга қараб туриб, бугунги ёшларга хос айрим фазилатларни кўргандек бўламан. Энг асосийси, у олий ўқув юртида ўқиган даврида беш йиллик умрини шаҳарда — қишлоқдан олисда ўтказган бўлса-да, қишлоқ юмушларини унутмади, айримларга ўхшаб истихола қилмади ҳам.

— Эндиликда у бир неча ўн минг сўмлаб фойда олаётир. У тенги фермерлар ишни уддалай олмай, молларни жамоа хўжалигига қайтариб топшираётган бир пайтда... Баҳром эса, ғайратли, абжир, ғаплари кескир, — дейди туман агросаноат уюшмаси раиси Тўхта Ҳайдаров, меҳри товланиб.

— Мана шу ниҳоясиз далаларда, болаликдан қуникиб қолган бугунги юмушим менга ҳар қандай мансабдан ёқимлироқ, гаштлироқ туюлади, — дейди Баҳромнинг ўзи.

...Ва мен унинг сўзларига ишонаман.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Матонатли кишилар

ТАҚДИРГА ТАН БЕРМАЙ...

Уйимда қўлсиз одамнинг... Менга ёзган мактуби бор.

Болаларникидай қийғир-қийшиқ харфлар билан ёзилган, «Қадрдон ўғлим..» деб бошланадиган бу мактубни бундан тўққиз йил муқаддам Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Асад ота Мамедов йўллаган.

... У Сталинград остонасидаги жанглардан бирида минага дуч келиб, қўл-оёғидан жудо бўлади. Ёзиш қанчалик қийин бўлган бу холни кечиришнинг ўзи қандай ўтган экан.

Тошкентдаги госпиталда профессор Берлинер унинг билагини тилиб, нарсаларни ушлай оладиган «бармоқ» ясайди. Операция муваффақиятли чиқади, бироқ Асад янги шароитга кўникиб, ишга ўргангунига қадар озмунча машаққат чекмайди.

Оёғига протез кийиб, тураман деганида оғриқдан инграб юборган. Бироқ юришга бўлган иштиёқ барча оғриқдан устун келган.

Ёшлигида полвон бўлган Асад ота урушдан кейин ҳам бу одатини ташламайди. У қўлсиз бўлса ҳам белбоғ боғлаб ўртага чиқаверган ва кўпинча ғолиб ҳам бўлган.

— Муҳими рақибни яхшилаб қисиб олиш, — дер эди етмиш яшарлик Асад ота. — Менинг вазним саксон уч кило, худога шукур, ҳали кучим ҳам бор...

Асад ота рухан жуда кучли инсон эди. Унинг: «Яшаш нақадар мазза деган гаплари ҳеч қачон хотирамдан учмайди...

... Чўп тиқилса дарахт усиб чиқадиган заминимиз ниҳоятда сахий. Ноз-неъматтагина эмас, турфа иқтидорли одамларга ҳам бой замин. Шулар орасида энг кўпи — баҳодирлардир. Баҳодир фарзандларинг кўпаяверсин, она юрт.

Рустам ШАГАЕВ,
ЎзА мухбири.

ДУКЧИЛИКЛАР ЎТИН БИЛАН ХАЙРЛАШДИЛАР

Шаҳрисабз туманидаги Нарзулла Остонев раҳбарлик қилаётган Жўра Элбоев номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг қувончи чексиз. Уларнинг орзулари ушалди. Саратовдан тамакига бартер усулида қувурлар келтирилди. 1-механизациялашган газлаштириш кўчма идораси ишчиларининг катта меҳнати туфайли қисқа муддатда жамоа хўжалигининг Дукчи қишлоғида дастлаб 150 та хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлишди. Жамоанинг бошқа қишлоқларида ҳам газлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ш. АЛИҚУЛОВ.

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Пахтабанк»нинг Фарғона вилоят бўлимида яна бир қулайлик яратилди. Замонавий компьютерлар мижозларга хизмат кўрсатади. Электрон почта алоқаси харидор билан сотувчи ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини бир зумда аниқ бажаради. Бу эса банк тизими фаолиятида учраб турадиган чалкашликларга барҳам беради.

Айни вақтда «Пахтабанк»нинг шаҳар ва туман бўлимларида ҳам электрон почта алоқа хизматлари йўлга қўйилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, компьютерлар ҳукумат қарори билан солиқ тўлашда яратилган имтиёзлар туфайли олинган даромад ҳисобига харид қилинди. Маблағнинг бир қисми банк ходимларини ўқитиш, жойларда пул алмаштириш шаҳобчаларини ташкил этиш ишларига сарфланмоқда.

ЎзА мухбири.

Ислоҳот одимлари

ЁНБОШҚАЛЪА БЎЁҒИ

Кейинги йилларда Тўрткўл туманида мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик корхоналар, ширкатлар ва фирмалар ташкил топди. Уларнинг фаолияти янада жонланиши учун туман ҳокимияти доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. 1995 йилнинг ўзида бу ерда 484 та деҳқон-фермер хўжаликлари рўйхатдан ўтганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса кичик корхонадан йирик кўп тармоқли бирлашма даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган «Ёнбошсувқурилиш» бирлашмасининг фаолияти диққатга сазовордир. Бирлашма раҳбари Тўхтабой Сиддиқовнинг тадбиркорлиги туфайли ҳам ҳозир бу ерда мингдан зиёд киши ишчи ўринлари билан таъминланди.

Бирлашма асосан қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик корхоналарни ўзига бирлаштириб уларни маблағ билан таъминламоқда. Кичик корхоналарга буюртмалар берилмоқда. Меҳнатни ташкил қилишнинг бу шакли турли шакллардаги кичик корхоналарнинг фаолиятини жонлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ҳозир бирлашмада йирик гўшт заводи, оҳак цехи, ҳунармандчилик, шоли ва буғдойни оқлаш тегирмонлари, нонвойхона ва бошқа тармоқлар фаолият кўрсатмоқда.

«Ёнбошсувқурилиш» бирлашмаси яқинда ўзининг яна бир цехига эга бўлди. Бу ерда уста Йўлдош Бобожоновнинг ташаббуси билан бугунги кунда қурилишда жуда тақчил ҳисобланган эмаль буёғи тайёрлана бошланди. Бу буёқнинг кашф қилиниши бошқа қурилиш ташкилотларини ҳам қизиқтириб қолди. Айни кунларда сифати чет эл буёқларидан қолишмайдиган Ёнбошқалъа эмалини бошқа қурилиш ташкилотлари ҳам харид қилишмоқда.

ХАЛҚ БАНКИ ШАҲОБЧАЛАРИ

Қорақалпоғистонда ҳам халқ банки фаолиятини такомиллаштириш юзасидан анча ишлар қилинди. Республика халқ банкининг жойларда шаҳобчалари қурила бошланди. Тўрткўлда, Элликқалъа туманида ўтган йили ушбу банкнинг 24 хизматчига мўлжалланган биноси фойдаланишга топширилган эди. Бу йил ҳам Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида халқ банкининг тўртта шаҳобчаси тиклана бошланди.

«Ёнбошсувқурилиш» бирлашмасининг қурувчилари шу кунларда Тўрткўл шаҳрининг Йўлдош шаҳарчасида, Элликқалъа туманининг «Сарибий» деҳқон-фермерлар хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган биноларда сўнгги пардоз ишларини олиб бормоқдалар. Бирлашманинг Ривож Алишеров, Болтабой Раҳматуллаев, Элмурод Қунибеков, Юнус Сарсенбоев бошлиқ бўлган бўлим қурувчилари пардозлаш ишларини сифатли олиб боришмоқда.

Яқинда Элликқалъа туманининг Боғеп ва Қирққиз деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида республика халқ банкининг шаҳобчалари қурилиши бошланди. «Ёнбошсувқурилиш» бирлашмасининг Оллоберган Сиддиқов, Маҳмуд Нуримбетов бошлиқ бўлган бўлим қурувчилари дастлабки пойдевор тиклаш ишларини якунладилар. Банк шаҳобчаларининг ишга туширилиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу банк шаҳобчалари Тўрткўл ва Элликқалъа туманларининг аҳолиси зич бўлган қишлоқларда жойлашган.

Тоҳир САМИЕВ.

Инсонийлик одоби

ОТАЛАР — ҲАЁТ ҚУЁШИ

Инсон умри ҳеч қачон бир маромда кечмайди. Инсон камолотга эришгунча қанчадан-қанча сўқмоқлардан ўтади, турмуш гирдобида тобланиб, баркамолликка етади. Ҳар биримиз болаликда шўх, ёшликда қизиққон бўлишимиз табиий. Шундай пайтда ота-онамиз қадрига унчалик етавермаймиз. Кейин ўз фарзандларимиз ташвиши-қувончини англаб, аста-секин ота-оналарнинг ниҳоятда азизлигини, улуғлигини, улар ҳаётимизда ишонган боғимиз, суянган тоғимиз эканини тушуниб етамиз. Баъзида ўғил-қизларимизни уришсак, бобо ва момоларимиз уларнинг ёнини олишади. Гўё қарияларга «данагидан мағзи ширин» бўлаётгандек туюлади.

Ҳа, оилада ота-она тутган мавқеи ҳеч бир ўлчов билан қиёслаб бўлмайди. Уларсиз ҳаётдан ўрнимизни топишимиз мушкул кечади. Улар — биз учун таянч ва маслаҳатчи, тўғри йўлга бошловчи азиз инсонлардир. Айниқса, оталар ҳақида гап кетганда, албатта, кўз олдимизга беғубор, ҳар бир сўзидан бол томиб турувчи нуроний қиёфа гавдаланиши турган гап. Биз ҳаётимиздаги энг мураккаб дамларда, хоҳ ўз турмушимиздан қувонмайлик, хоҳ оила ташвишидан ранжимайлик уларни эслаймиз, нажот кутамиз, ҳар бир далда сўзни ўзимизга қувват деб биламиз.

«Оила аъзоларимиз йиғилганда доимо отамни эслайман. У киши ҳақида фарзандларимга сўзлаб беришни ёқтираман, — деб ҳикоя қилади жиззахлик Тиркаш Рашидов. — Оғир уруш йилларидан кейинги тикланиш даврида барча қатори биз ҳам турмушда кўп қийинчиликларни бошимиздан кечирганмиз. Оилада олти фарзанд эдик. Ҳар биримизга отамиз ўзгача меҳр билан мурожаат этарди. Ҳеч биримизнинг кўнглимизни қолдирмасликка ҳаракат қиларди. У кишининг одамларга яхшилик қилишга даъват этувчи насиҳатлари бир умр эсда қолган. Шу боисдан ҳам фарзандларимизни ўз боболаридек ҳақиқий инсон бўлишга даъват этаман».

Ота ҳақида гап юритар эканмиз, уларга бўлган чексиз меҳр-ҳурматимизни ўз ўрнига қўйгимиз келади. Орамизда ана шундай олижаноб инсонлар борки, доимо ўз падари бузрукворларининг ҳурматини сақлаб, уларнинг дили озор чекишига асло йўл қўйишмайди.

Қўлимиздаги ана шундай одоб-ахлоқли, тарбияли йигит-қизларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бир даста мактубларга кўз югуртирамиз. Бу борада олимлар, мутахассислар, ота-оналар, қолаверса, йигит-қизлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Аммо шундай мактублар ҳам учраб турадики, уларни ўқиб, гоҳида таажжубга тушасан. Наҳотки шундай кунларда ҳам айрим тошбағир ўғил-қизлар борлигига, улар учун муқаддас инсон ҳисобланган ота олдидаги бир умрлик қарзларини унутиб қўйган фарзандлар мавжудлигига ишонгинг келмайди. Бундай ўкинчли хатларни қайта-қайта ўқиймиз. Балким, адашиб битилганмикин, деб иккиланишга ҳам борамиз. Аммо уларни қанча кузатмайлик, барибир биз учун нохуш воқеаларга дуч келамиз. Шундай бўлиб чиқадики, айрим пайтларда ўзини ўйламай, фарзандлари учун қайғурган, гоҳида ўзи емай, ўғил-қизларига едирган ота-оналарга нисбатан айрим фарзандлар тошбағирлик қилаётгани жамоатчиликни наҳотки ташвишга солмаётганига, уларни тўғри йўлга солиш учун бирон—бир амалий иш қилинмаётганлигига афсусланасан.

«Яқинда қўшни аёл ўз — ака-укасидан нолиш қилиб қолди, — деб ёзади Тошкент шаҳридаги 1-Қорасув дахасида яшовчи Р. Саидова. — Бир вақтларги тўқ-фаровон оила бугун дарз кетибди. Катта ўғил оила қургач, янги уйга кўчибди. Қўшнимиз турмушга чиққач, улар ҳам квартира олишибди. Оиладаги кичик ўғил уйлангач, у ҳам алоҳида яшашга қарор қилибди. Ота-она, албатта, бундай пайтда ўғил-қизларининг яхши ниятларига йўлдош бўлгани турган гап. Кўп ўтмай она қазо қилгач, қари ота данғиллама ҳовлида якка ўзи қолибди. 90 ёшли нуроний ота ёлғизликдан кўп озор чекармиш, фарзандлари вақти-вақтида хабар олиб туришар экан. Аммо бу шунчалик келиб-кетишлар отанинг дардини енгиллаштиролмайди, албатта. Ана шу дақиқада айниқса, қария фарзандлари меҳрига, уларнинг ёрдамига муҳтождир. Тўғри, қўшнимиз отасиникида яшашга рози. Аммо у акаси ва укасидан ийманармиш. Гўёки у кўчиб борса, ота уйидаги мол-мулкка, ҳовлига эгалик қилгани келди, деб уларнинг кўнглига келиши турган гап, эмиш».

Наҳотки моддий неъматлар ота меҳридан устун турса?! Аввало, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, ўз падарибузрукворидан манфаат кутмасдан, уларнинг ҳурматини жойига қўйиши керак. Бу оиладаги уч фарзанд ўз шахсий ҳаловатини ўйлаб, касалманд отани ташлаб қўйгани ҳеч бир оқлаб бўлмайдиган ҳолдир. Уларнинг бир-бири билан мол-мулк талашиш борасидаги даъволари ҳам ноўрин. Шундай оғир дамда хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин, меросни ўйламай, ота ёнида бўлгани маъқул. Агар бунинг иложи бўлмаса, навбат билан отанинг аҳволидан хабар олиб туришлари ҳам мумкин-ку, ахир!

Ҳозирги вақтда матбуотда, радио-телевидениеда айрим «сахий» оталар ҳақида кўп ёзилмоқда, ҳали она сути оғзидан кетмаган ўғилларига машина олиб бериб, уларни керагидан ортиқча уй-жой билан таъминлаб қўйиш учун жон қуйдираётган айрим оталар эртага такасалтанг ўғилнинг турмуши қандай кечиши, келажакда ўзлари нима бўлишини ҳозир ўйлашмайди. Бундай «ҳотамтойлик» яхшиликка олиб келмаслиги учун улар айни шу дамда бош қотиришлари керак. Ҳар ким ўз меҳнати билан обрў топиб, уйли-жойли бўлгани маъқул. Номаъқул йўллар билан тўпланган бойлик ёки обрў ўз навбатида саробга ўхшаб йўқолиши турган гап. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажаги учун қайғуради.

Биз отани — ҳаёт қуёши, дедик. Бу фикрнинг тагида қанчалик пур маъно борлигини яна бир бор ўйлаб кўрайлик. Ҳар биримиз ҳаётдаги ўз ўрнимизнинг мустаҳкам бўлиши учун аҳлоқ меъёрларидан четга чиқмаслигимиз, яхши инсонлардан ўрнак олишимиз кераклигини ҳар дақиқа унутмайлик. Зеро, тириклигида ота-онасидан хабар олмай, улар оламдан ўтгач, қабр тошига «унутмаймиз» деб ёздирган ўғил-қизларнинг етти ёт бегоналардан фарқи йўқ.

Ислом УСМОН,
журналист.

Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига

СЎЗ ЖАҲОНГИРИНИНГ НИГОҲИ ТУШГАН...

Алишер Навоий ва унинг замондошлари ижодини синчиклаб урганар эканмиз, шоир яшаган даврдаги ижодкорларнинг мукаммал қиёфаси кўз ўнгимизга келади. Айниқса, икки буюк аллома — Жомий ва Навоий тимсолида уша даврнинг юксак ахлоқий мезонлари ўз тажассумини топган.

Урта асрнинг йирик тарихчиси Гиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабибуссияр» асарида келтирилган бир қатор маълумотлар, бизнинг назаримизда, Навоийнинг шахс, ижодкор ахлоқига булган қарашларида янги саҳифа очиб, Навоийдек нозик дид, нозик таъб кишининг ҳақиқий валийлик хусусияти — одам таний билиши каби мураккаб томонини анча ёритиш имконини беради. Бу биринчи навбатда, бугунги ёшларни тарбиялаш, уларда юксак инсоний жиҳатларни янада такомиллаштириш, дуста садоқатли булиш каби хислатларни шакллантиришда жуда қўл келади. Улуғ адибнинг бу хусусияти шак-шубҳасиз уша давр ижодкорининг, зиёли ёки оддий хизматчидан тортиб, то йирик давлат арбобларининг ҳам тақдиру келажагига таъсир этган. Қизиқ томони шундаки, Ҳиротнинг иқтидорли адабий муҳити, мажлислари ва нубувватли шахслари доирасини, қоларверса, Навоийнинг раияттпарвар муҳитини аралаб ёки бошқа сабаб билан тарк этган шахсларга улуғ шоирнинг берган баҳоси, уларнинг характеридаги салбий томонларига қилган ишорасининг не чоғлик ҳақлиги кишини лол қиладиган даражада башоратомузлиги билан ажралиб туради.

Биз мазкур мақолада асосан Алишер Навоий ва унинг замондошлари ички ва ташқи қиёфасини очувчи мисолларга кўпроқ тухтаб утишни лозим кўрдик. Бу мисоллар кўпчилик учун маълум булган тарихий далил — Ҳусайн Бойқаронинг набираси — Бадиузамоннинг ўғли Мумин Мирзо ўлдирилганидан кейин ота-ўғил орасидаги низолар давлат инқирозига маълум даражада сабабчи булганлигига ҳам дахлдор. Ушбу ихтилофда Навоий ҳамиша отаўғил можаросини бартараф этиш тарафдори сифатида ўз обру-эътибори ва нуфузидан фойдаланиб, Бадиуззамонни инсофга чақиради. Бадиуззамон Навоийни отаси Ҳусайн Бойқаронинг ҳомийси деб билган ва баъзан ундан аразда ҳам булган.

Хондамир «Ҳабибус-сияр»да Амир Камолиддин Ҳусайн ҳаёти ва ижоди ҳақидаги таърифида Навоий ва давр ахлоқи масаласига оид қимматли маълумотни қолдирган. Камолиддин ҳақида Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»и ва Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам маълумот берилганлиги яна бир марта бу шахс ўз даврининг нуфузли, кўзга кўринган кишиси булганлигидан далолат беради.

Камолиддин дастлаб Ҳиротта таҳсилга келган чоғида Кичик Мирзо хизматида булиб, унинг мажлису марҳаматидан баҳраманд булади. Кунларнинг бирида Кичик Мирзо Маккага ҳажга боришга ҳозирланиб, билими ва қобилияти билан диққатни тортган Камолиддинни ўзи билан бирга сафарга чорлайди. Камолиддин ҳукмдорнинг бу таклифини рад этади. Кичик Мирзо сафарга чиқиб кетганидан кейингина у хатога йул қўйганини сезади ва ортидан бориб ундан узр сурайди. Бироқ Камолиддиндан ранжиган Мирзо уни ўзига ҳамсафар этмайди. Орадан маълум вақт ўтгач, Ҳирот адабий муҳитида билимдонлиги ва шоирлик қобилияти билан кўзга кўриниб қолган Камолиддинни Навоий ўз паноҳига олади. Тез орада Камолиддин нафақат Ҳирот адабий муҳитида танилади, балки каттагина мансаб эгаси ҳам булишга эришади. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» номли тазкирасида Камолиддин ҳақида маълумот берар экан, уни Ироқдан Ҳиротга келиши масаласига тухталиб, Ироқ ҳокими Яъқуб Мирзо билан булган гинахонлиги ҳақида гапирмайди. Аксинча, у Камолиддинга жуда юксак баҳо беради, уни илмга фидоийлиги, таҳсилу таълимни бойликка алмаштирмаганлигини таъкидлаб, бу хусусиятни давр адибининг юксак хислати сифатида талқин этади «...Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб, Биёбонгни сўюргол бердиким, юз минг олтунга яқин ҳар йили тегар эди. Онча ганиматқа ҳиммат этагин силкиб, яна Хуросонга келиб, дарвешлик ихтиёр қилди...»

Бундан икки хулосага келиш мумкин. Навоий Яъқуб Мирзо ва Камолиддин ўртасидаги юқоридаги низодан хабарсиз булган ёки бу ҳақда маълумотга эга булса-да, Камолиддинни ҳокимга эргашиб ҳажга бормаганлигини катта аразга сабаб булувчи воқеа сифатида қабул этмаган.

Кунлардан бирида Алишер Навоий жуда катта бир нуфузли ҳайъатга Камолиддинни бош этиб Ироққа, Яъқуб Мирзо ҳузурига юборади. Барча тортиқ ва инъомлар қатори уша даврнинг адабиёт ва маданият ҳомийси булган Ироқ ҳокимига Абдураҳмон Жомийнинг янги битилган куллиётини ҳам бериб юборишга қарор қилади. Ҳайъат Ироққа етиб боргач, Яъқуб Мирзо Камолиддиндан йулда зериккан-зерикмаганлигини сураганда, у: «Йуқ, ҳазратим, мен зериккан пайтимда Ҳазрат Жомийнинг куллиётлариким, ёнимда эди, олиб мутолаа қилар эдим ва мамнунманки, шу фурсатда кўп илмдан баҳраманд булдим», дейди.

Ҳазрат Маҳдуми Нуран — Абдураҳмон Жомий куллиётини Ироққа етиб келганлигини эшитган Яъқуб Мирзо жуда хурсанд булиб, Камолиддинга яна ҳам илтифот курсатиб, бу азиз ва қимматли асарни тезда келтиришларини сурайди. Китобни олиб келганларида у Жомийнинг «Куллиёт»и эмас, шу қалинликда ва рангда булган «Футуҳоти Макка» булиб чиқади. Ҳиротда китобдор янглишиб Жомий «Куллиёт»и ўрнига бошқа китобни бериб юборганлиги маълум булади.

Хондамир «Ҳабибус-сияр»да ушбу воқеани Камолиддин Ҳусайн билан юз берган «ғаройиб воқеот»дан бири сифатида келтиради. Эътибор берайлик бу Камолиддин билан булган бир неча воқеаларнинг биридир ва асар муаллифи жуда усталик билан китобига айнан шу воқеани келтириши бежиз эмас.

Воқеанинг давомида ҳикоя қилинишича, ушбу қиссадан хабардор булган Алишер Навоий Амир Камолиддин Ҳусайнийни ўз хизматидан четлаштиради. Бунинг биринчи сабаби, бизнингча, Камолиддиннинг ёлғончилиги — дўстликка, мансабу илмига нолойиқ иш тутиб, фақат Яъқуб Мирзонигина эмас, балки ўзини ҳам алдаганлиги, адабиётга, Жомий ҳазратлари адабий меросига ўта ихлосмандлигини кўрсатишга уринганлигидир. Улуғ шоирни Камолиддин ҳаракатидаги энг ранжитган томон — унинг Жомий ижодига муносабати булган. Навоий илм-маърифат, адабиёт вакилининг шунчалик паст кетиши, Жомий «Куллиёт»ига масхараомуз муносабати, бир эмас, бир неча кишини фақат ўзининг шахсий манфаати туфайли алдашга бориб етганлигини кечириб булмайдиган ҳол, бунинг жазоси сифатида эса бу шахсни ўз доираси, Ҳирот адабий муҳитидан четлаштиришда деб билган.

Хондамирнинг ушбу қиссаси Алишер Навоийнинг «Мажолисун — нафоис» тазкирасидан сўнг, ҳатто, Жомий вафотидан кейин ёзилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас ва тарихий далиллар ҳам шундан далолат беради. Навоий тазкирасида Мавлоно Камолиддин ҳақида асосан ижобий баҳо беради: «...Хуросонда улум таҳсил қилди ва Ироққа тушди. Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб Биёбонгни суюргол бердиким, юз минг олтунга яқин ҳар йили тегар эрди. Онча ганиматқа ҳиммат этагин силкиб, яна Хуросонга келиб, дарвешлик ихтиёр қилди ва ҳазрат иршод маобий Нуран хизматида матбуъ ва мақбулдўр ва тасаввуф илмида табъи бағоят қобил ва алар истилоҳотидин соҳиби вуқуф... Мир хушшакл ва хуштабъ ва хушмуҳовара йигитдур. Барча ҳунарлар била ораста ва мундин узга айби йуқтурким, дарвешваш ва суфиваш кишидур ва узини шайхлик исмига мавсум қилибдур».

Бундан ташқари, Абдураҳмон Жомий 1492 йили боқий дунёга рихлат этган, алломанинг «Куллиёт»и (яъни барча асарларининг тўплами) эса вафотидан кейин тартиб этилиб, дастхат ҳолида Ироқ-Яъқуб Мирзога юборилган. Буни яна бир далил тасдиқлайди: Ҳусайн Бойқаро ва Бадиузамон келишмовчилиги ҳам асосан «Мажолисун-нафоис» яратилган (1492) дан кейин авж олган. Хондамирнинг таъкидлашича, Алишер Навоий юқоридаги воқеадан кейин Камолиддинга танбеҳ бергач, у Ҳиротни тарк этиб, Бадиузамон хизматига боради. Бадиузамон Камолиддинни мамнуният билан кутиб олган. Бироқ, Камолиддин темурийлар салтанати инқирозга учрагандан кейин, шу хонадонни мағлуб этган Шайбонийхон хизматида булади.

Камолиддин тақдири билан боғлиқ бу воқеа бизга шуни кўрсатадики, Навоий кеч булса ҳам ундаги нолойиқ ҳаракат — ёлғончилик, бунинг эвазига сохта эътиборга эришиш иштиёқини пайқаб, вақтида бу одамни ўзидан узоқлаштирган, аниқроғи, ундаги дўстга булган хиёнат майлини сезган. Кейинроқ у Бадиузамонга ҳам садоқат кўрсатмай, Шайбонийхон хизматига ўтадики, бу Навоийнинг Камолиддинга берган баҳоси ва унга нисбатан қўллаган чораси нечоғлик ҳақлигини яна бир карра исботлайди.

Бу мисол борасида яна бир тугунни ечишни жоиз билдик: Навоийдан ранжиган Камолиддин нега айнан Бадиузамон марҳамати томон юз тутди? Бизнингча, Бадиузамон — Ҳусайн Бойқаро — Навоий ўрталаридаги маълум ихтилофлардан уша даврдаги Камолиддинга ўхшаш хусусиятида оғмачилик кайфияти булган кишилар ўта «унумли» фойдаланишган. Бадиузамон отаси Ҳусайн Бойқаро салтанатидан ранжиган кишиларни паноҳига олиб биринчидан, «арзон» обру-эътиборга нойил булишга интилган, иккинчидан, маълум даражада отасига булган эътирози — «сен ёмон булсанг, мен яхши» қабилида иш тутиши ҳам сабаб булган. Хондамирнинг юқоридаги асарида худди шу мавзудаги бошқа мисоллар ҳам мавжуд. Унда ҳам ҳаракати ва феълида нопоклик, паст ахлоқлик зоҳир этган шахслар Ҳиротни тарк этишлари биланоқ Бадиузамон паноҳидан жой олганлари ҳикоя қилинади.

Мавлоно Гиёсиддин Жамшид Қоиний Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти даврида ўзининг ҳалоллиги ва билимдонлиги билан шуҳрат қозониб, катта мансаб эгаси булади. Бироқ, адабиёт ва ҳар турли мажлисларда иштирок этиб юрган бу шахс бир куни Навоий ҳақида туҳматомуз сўзларни айтади. Навоий адиб ва шахс хислатида бундай ҳаракатни нолойиқ билиб, уни садоратлик мансабидан четлаштиради. Ҳусайн Бойқаро вафотига яқин фурсатга қадар ишсиз, касб-кори бетайин булган Мавлоно Қоиний Бадиузамон эътиборини ўзига тортади ва садорат мансабини олади. Бироқ Навоийга вафо қилмаган Қоиний Бадиузамонга ҳам садоқат зоҳир этмайди ва нолойиқ ҳатти-ҳаракати натижасида олти ойдан кейин бу вазифадан четлаштирилади.

Алишер Навоий ёшларда умуминсоний хислатларни шакллантириш йулида кўп заҳмат чеккан. Хондамирнинг юқоридаги асарида Мавлоно Халилуллоҳ исмли самарқандлик бир толибул-илм ҳақида маълумот берилади. Халилуллоҳ Самарқанд ҳокими Абу Саиднинг зулми ва тож-тахт учун курашидан безиб, Ҳиротга келиб, Гавҳаршодбегим ва Ихлосия мадрасаларида илм таҳсили билан шуғулланади. Маълум мусбий натижаларга эришади ҳам. Бироқ, Халилуллоҳнинг шароб ва мастликка муттасил машғул булишидан хабар топган Навоий уни вазифасидан бушатиб, ўз доирасидан четлаштиради. Халилуллоҳ ҳам Камолиддин ва Қоиний сингари Бадиузамон Мирзо ҳузурига — Балхга боради. Бироқ, Халилуллоҳ Балхда ҳам кўп «ҳунар» кўрсатади. Бадиузамон уни ўз даргоҳидан четлаштиради, натижада сарсон қолган бу даврзада банда Қундузга — Амир Ҳусравшоҳ ҳузурига бош уриб боради ва уша ерда вафот этади.

Халилуллоҳ характеридаги энг нолойиқ томон-ичкиликка муккасидан кетиш («чун ба шурб мудом машғул менамуд»)дир. Демак, Навоий ўз даврининг толибул-илмлари, вояга етиб келаётган адиблар характерида мастликка ружу, интилишни кишидаги энг нолойиқ хислат сифатида қоралаган, нафратланган. Бу хусусият инсоний камолотга путур етказишини аниқ билган Навоий Халилуллоҳдан «қулини ювиб, қултиғига урган».

Ушбу мисолда яна бир нозик ўрин бор. Бадиузамон қанчалик «жабрдийда»ларни ўз паноҳига тупламасин, бу шахслар ҳақида Навоий берган баҳо адоват мезонидан устун туради.

Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» асари фақаттина тарихий манбалар, Навоий даври ва ундан кейин яшаб ижод этган шоҳларнинг таржимаи ҳоли ва ижодини бизгача етказмасдан, Навоий характери ва дунёқараши, гоҳида унинг ҳаёти билан боғлиқ булган нозик қимматли маълумотлар билан ҳам бизнинг дунёқарашимизни бойитади.

Хондамирнинг ушбу асарида Навоий саъй-ҳаракати ва қизиқиши натижасида унинг хизматида булган, ўз даврининг йирик ихтирочиси, наққош ва адиби, шоир кутубхонасининг бошлиғи Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ҳақида ҳам қимматли маълумот берилган. Дурустгина тасаввур ҳосил булиши учун бу маълумотни ўз таржимамизда тўла келтиришни маъқул билдик: «Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош — ўз даври илмини эгаллаган киши булиб, доимо ҳайратланарли ихтиролар ва ажиб тажрибалар утказиб, уни қундалик ҳаётда қўллашга интилар эди. Тасвир ва тазҳиб (зар нақш бериш) фанида маҳорати чексиз эди. Бир неча вақт чинни идишлар ясаш билан шуғулланади. Жуда кўп тажриба ва чексиз меҳнати эвазига катта бир чинни идиш ясашга муяссар булди. Бироқ, ранг ва жилоси Чинда ясалган идишларга унча ўхшамас эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ихтироларидан бири Амир Низомиддин Алишер кутубхонасига қўйилган сандиқли соат эди. Ушбу сандиқда у одам мужассамасини ясаган эди. Бу ҳайкал ҳар бир соат ўтиши билан қўлидаги чўби билан турган ноғорасига бир марта урар, икки соат ўтса икки марта уриб садо берар эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош маълум муддатда Алишер Навоий кутубхонасининг мудири вазифасини ҳам бажарган. Мирзо Бадиузамон Ҳиротта юриш қилган пайтида Муҳаммад Наққош Навоийдан ранжиб Бадиузамон ҳузурига боради ва уша мансабга (яъни кутубхона мудирлигига — Ҳ. Қ) тайинланади. Абулфатҳ Муҳаммад Шайбоний истилоси пайтида (1506) вафот этди».

Юқоридаги парчада Хондамир Алишер Навоийнинг анчагина нозик томонлари ҳақида маълумот берган. Энг аввало, Навоийнинг янгилик яратиш, ихтирога булган муносабати юқоридаги мисол билан анча ойдинлашади. Гарчи Навоий даврида Ҳуросон ва Мовароуннаҳр элида катта маданий ва адабий, илмий ва ижтимоий юксалишга йул тутилган булса ҳам, ислом оламида Баҳоваддин Нақшбанднинг «дил баёр-даст бакор» — фалсафий, суфиёна қарашлари таъсирида яратувчанлик, янгиликка интилиш умумий меҳнатга булган муносабатнинг ажралмас қисми булиб қолган булса ҳам, бу ортодоксал ислом дини қоида қонунлари янгилик яратишда ўз эшигини ланг очган эди, деган гап эмас эди, албатта. Беҳзод тасвирий санъат мактаби атрофида ушлаб мусаввирлар йиғилиб, бадиий асарларни безаш, уларни қимматбаҳо миниатюра асарлари билан бойитишда катта хизмат қилган булсалар-да охоластик дин пешволари халққа бу ишларни «шайтоннинг иши» деб талқин қилганлар.

Тасаввур этайлик, худди шу даврда Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққошдек халқ ичидан чиққан моҳир ихтирочи, наққош ва косиб маданият ҳомийси Навоийнинг паноҳида туриб фақат соатни ихтиро этмади, балки ҳаракатланувчи одам ҳайкали — соатни яратганлиги ҳам жуда муҳим.

Биз Хондамирнинг — «Ҳабибус-сияр» асаридаги айрим мисолларга мурожаат этиб, Алишер Навоий шахсияти, ижоди, шогирдпарварлигига оид лавҳаларни кўриб чиқишга интилдик. Навоий тарбияти ва ҳомийлигида булган Хондамирнинг ушбу тарихий асарида адабиёт, санъат, меъморчилик, урф-одат, уша давр илм тараққиёти ва унинг қўлами ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд булиб, бу асар алоҳида урганишга лойиқ.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Муштарий ёрдам сўрайди

ЎН ЙИЛЛИК МУАММО

«Ҳурматли «Туркистон» газетаси ходимлари!

Мен Шаҳрисабз туманидаги Ғани Бобоёров номли жамоа хўжалигининг Жарбоши қишлоғида яшайман. 1963 йилда туғилганман. Маълумотим ўрта. II-гуруҳ ногиронман. Чап оёғимда айбим бор.

Мен ушбу изтиробли хатимни бежизга йўллаётганим йўқ. Узоқ ўйлаб, қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим. Чунки 10 йилдан буён бир масалани ижобий ҳал этиш учун елиб-югураман. Аммо бу ҳаракатларим бежизга кетмоқда.

Энди асосий мақсадга ўтадиган бўлсам, мен 1982 йилда ҳамқишлоқғим Қўзи Ризаевга турмушга чиқдим. У билан икки йил турмуш қурдим. 1984 йил фарзандимиз Ўлмас туғилди. Балки мени ногиронлигим ёки рўзғордаги ўзаро келишмовчилик туфайли ажралишга тўғри келгандир. Фарзандим менда қолди. Туман суди орқали 1986 йилда никоҳимиз бекор қилинди. У Рухсат Холиқовага уйланди. Мен ундан норози эмасман. Чунки қонуний ажралганмиз. Ҳозир тўртта фарзанди бор. Майли ўша қўшгани билан соғ-омон яшайверсин. Лекин гап бошқа томонда. Ота-онам менинг ногиронлигимни ҳисобга олиб, эрим билан иккаламизга уч хонали уй қуриб берган эди. Ўзлари йиғган маблағ ҳисобидан. Ана шу ота-онам ҳисобига қилинган уйдан мени қувиб чиқаришди. Бўлмаса, ундан фарзандим борку, шуни ҳам ҳисобга олмади.

Мана ўн йилдирки, шу ота-онам қурган ҳовлисам сира адашмайман. Ҳамма сен тўғри қилаяпсан дейди-ю, амалда ҳеч вақо йўқ. Ҳатто беш маротаба судда кўрилди. Суд уй-жойни менга бериш ҳақида ажрим чиқариб берадию, лекин ижроси ҳануз чўзилиб келмоқда. Бу тўғрида туман, вилоят ҳатто республика қонун органларига бир неча бор мурожаат қилдим. Ҳаммаси бугун ёки эртага ишингиз ҳал бўлади, дейишдан нарига ўтишмаяпти. Охири адвокат ҳам ёлладим. Адвокат ҳам турли важлар билан юпатишдан бошқа ўзгариш қилмади.

Ахир ўзингиз ўйланг, мен ҳам инсонманку. Менга ҳам ўз ҳовли-жойим керак. Наҳотки бир ногирон хотинни шунчалик югуртириш керак.

Истагим шуки, собиқ турмуш ўртоғим Қўзи Ризаев ота-онам томонидан қад ростлаган уч хонали уйни ўғлим Ўлмасжон билан менга бўшатиб берсин. Эримдан бошқа ҳеч қанақа даъвоим йўқ. Ўйлайманки, сизлар ҳам мени тўғри тушуниб, масалани адолатли ҳал этишга кўмаклашасизлар. Ҳақиқат қарор топишига ишонаман.

Сайёра ЭШМУРОДОВА.»

МУҲБИР ШАРҲИ:

Очиғи, ушбу хат мазмуни билан танишган ҳар бир киши оз бўлсада Сайёрадек тақдирига тан бериб яшаётган инсонга дилидан қайғуради. Биз ҳали ҳам хатнинг қисқача мазмунини бердик. У органда, яъни суд, прокуратурада ишлаётган ва унинг арзини тингламаган шахсларнинг исм фамилиясини аниқ фактлар билан кўрсатган. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ўз вазифаларидан кетишган. Биз ўз вазифамизни ҳисобга олиб, Сайёранинг мақсадини қисқа ва лўнда қилиб баён қилдик, холос. Ҳатто Сайёра шикоят хатидан ташқари алоҳида хат жилдда суд ва прокуратурада кўриб чиқилган иш натижаларидан нусҳалар ҳам йўллаган. Ушбу нусҳалар билан танишар эканмиз, унинг юқоридаги изтиробли сатрлари нечоғлик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Гоҳида шундай муаммоларга тўғри келасизки, уни қонун ва қоида йўли билан ҳал этиш қийин кечади. Сайёранинг ҳам тақдири шу кун талабидан келиб чиқиб, бир тўхтамга келадиган хайрли ишнинг бир тугунига ўхшайди. Агар бу муаммо ҳал этилганда шу ўтган 10 йил давомида ўз ечимини топарди.

Азиз муштарийлар! Бу яхши, у ёмон каби хулоса чиқариш осон.

Лекин инсон тақдири билан сира ўйнашиб бўлмайди. Баъзида осонгина чиқарилган хулоса, катта, кутилмаган воқеаларга сабаб бўлади. Шу боис, Сайёра Эшмуродованинг хатини Қашқадарё вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар ҳукмига ҳавола этаётирмиз.

Таҳририятимиз бу мавзуга яна қайтади.

Ахрор САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири.



Олмония билан ҳамкорликда Фарғонада ишга тушган «Ўзсаламан» қўшма корхонаси маҳсулотлари кўпчиликка маъқул келиши аниқ.

Суратда: корхона ишчиси Азизахон Ўлмасова.
Ш.Олимов (ЎзА) сурати.

Ёшлар юрт фахри

Зуҳра НУРИТДИНОВА: «ХОРИЖДАЯМ ЎҚИШ НИЯТИМ БОР»

У ҳақда билганларим: Тошкент Давлат техника университетининг V курс талабаси. Мутахассислиги — ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш. Иш мавзуси — автоматлаштирилган тестловчи ўқитувчи система алгоритми ва дастури. Ҳинд ва инглиз тилида эркин гаплашади. Узбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори. Онаси — техника фанлари номзоди. Турмуш ўртоғи Асқаржон — цех ишчиси.

— Зуҳра, Президент стипендиясига қандай ёшлар муносиб кўрилади?

— Асосий шарт — аъло ўқиш. Бундан ташқари талаба камида уч тил (рус, ўзбек, бирор чет тили) ни билиши, илмий мақоласи чоп этилган булиши керак.

— Сиз мен ўчраттан энг бойвучча талабасиз. Чунки тенгдошларингиздан уч баробар кўп «маош» оласиз...

— Худога шукр. Аммо масъулият олдингидан анча кўп. Энди кўпроқ ўқиш, изланиш лозим.

— Сиз олаётган стипендиянинг учдан бир қисми сабоқдошларингиз учун етарлими?

— Нима десам экан. Курсдошларим кўпчилиги ота-оналаридан олисда яшашади. Уларга қийин. Кўплари ишлашади. Айрим талабалар бозорга чиқиб кеттани ҳам сир эмас, лекин, бу менимча, ўткинчи ҳол булса керак.

— Шу кунгача олган билимингиз сизни қониқтирадими?

— Йуқ. Чунки кечаги технология эртага тўғри келмай қолиши мумкин.

— Техника соҳаси аёл киши учун оғирлик қилмайдими?

— Бу қизиқишга боғлиқ. Ёшлигимдан ўғил болалардек техникага қизиқардим. Компьютерда ишлашни ҳам яхши кўраман.

— Келинликнинг ўзига яраша қувончу — ташвишлари булади. Янги оилада қийналмаяпсизми?

— Аввалига ўзим ҳам қўрққандим. Йуқ, янги оиладагиларим ҳам ўқишимга кенг имкониятлар яратиб беришяпти.

У ҳақда яқинларидан сураб билганларим: Зуҳрани Узбекистон Республикаси Президенти стипендиясига тавсия этишганида анча ҳаяжон босди. Чунки номзодлар ичида... унинг энг яқин ўртоғи ҳам бор эди-да. Худодан илтижо қилди: «Илоё, ўртоғим ўта қолсин». Аммо омад Зуҳрага кулиб боқди.

Зуҳранинг келажакдан умидлари катта. У аспирантурада ўқишини давом эттирмоқчи. Кейин эса...

Лайло КАРИМОВА,
«Туркистон» мухбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

АҚШ Мудофаа вазири Уильям Перри кейинги ун йилликларда мудофаа ҳаражатлари Президент Бил Клинтон маъмурияти кўзда тутганидан ҳам кескин камайиб кетса, мамлакат қуролли қучлари шахсий таркибини қисқартиришга тайёр экани ҳақида баёнот берди. Бунинг учун эса АҚШ ҳукумати ўз ҳарбий доктринасида акс этган муҳим бир «банд»дан воз кечиши керак. Унга кўра АҚШ қуролли қучлари бир пайтнинг ўзида икки урушда қатнашиш қудратига эга булиши керак.

* * *

КХДР Жанубий Кореяда ҳозиргача АҚШнинг ядро қуроллари сақланаётгани ҳақида бонг урмоқда. 1991 йили Жанубий Корея Республикасининг собиқ Президенти Ро Дэ У ўз мамлакати ҳудудида АҚШнинг бирорта ҳам ядро қуроли жойлаштирилмагани тўғрисида баёнот берган эди. Айни пайтда эса КХДР ҳукумати Жанубий Кореяда Америкаларнинг минта яқин ядро зарядлари борлиги ва уларни қўллаш бўйича ҳарбий машқлар утказилаётганини таъкидламоқда.

* * *

Украина Мудофаа вазири Валерий Шмаров бошчилигидаги делегация Беларусга келди. Мезбонлар чоғида икки мамлакат ҳарбий маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик қилиш масаласи муҳокама этилади. Шунингдек, Украина Мудофаа вазири Белорус Республикаси Президенти А. Лукашенко ва Бош вазир М. Чигир билан ҳам учрашади. Сафар якунида бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

(ЎзА).

Футбол — миллионлар севган ўйин

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

В. ХАДЗИПАНАГИС, Р. ТУРПИШЧЕВ, Н. ОЗЕРОВ...

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг футбол ва қўл тупи кафедрасида ўқитувчилик касби билан банд бўлиб юрган кезларим эди. Ҳар йили июль ойида институтга қабул қилинувчи ёшлар кириш имтиҳонларини топширарди. Футбол бўйича мутахассислик имтиҳонларини улардан биз Тошкентдаги «Старт» стадионида олардик. Уша йиллари бизнинг мутахассислик соҳамиз бўйича бир ўринга 8—10 киши тўғри келарди.

Бир куни имтиҳон қабул қилатуриб атрофга назар солсам, навбатни кутиб турган ўқувчилар тўп билан турган жойларида машқ қилишмоқда. Улар орасидан бири эса тўп билан шундай машқ қилардики, гўё у тўпни сехрлаб қўйгандек эди. Гавдали, қорачадан келган, ҳақиқий спортчи эканлиги шундоққина сезилиб турарди. Узининг енгил ҳаракатлари билан атрофдаги ўқувчилардан ажралиб турарди. Ёрдамчи талабалардан бирини чақириб бояги ўқувчининг имтиҳон варақасини олиб келишини сўрадим, ҳамда ундан ҳеч қандай норматив қабул қилмасдан туриб «аъло» баҳо қўйиб бердим. У варақани қўлига олиб ҳайрон бўлиб қолди, мен эса «баҳойингиз «5» табриклайман, қолган имтиҳонларни бориб топширинг. Сизга омад» — дедим. У эса раҳматлар айтганича югуриб кетди.

Ҳозирги кунда ўша талаба Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан тренер, педагогика фанлари номзоди, Хиросимада бўлиб ўтган 12 Осиё ўйинларида олтин медалларга сазовор бўлган Ўзбекистон футболчиларининг устози Рустам Акрамовдир.

Намунавий ҳулқи, юксак маданияти, ҳар соҳада тиришқоқлиги, янгиликларга чанқоқлиги билан бошқа талабалардан ажралиб турадиган Рустам институтни аъло баҳолар билан битирди, аввал Тошкентнинг АСК, кейинчалик пойтахт вилоятининг «Политотдел» командаларида тўп сурди. «Пахтакор»нинг дублёр таркибига қабул қилинди, унинг футболдаги биринчи устози Виталий Суюновдир.

Рустам Москвада аспирантурани муваффақият билан якунлаб, орадан кўп ўтмасдан, номзодлик диссертациясини ёқлади. Тошкентга қайтиб, бир вақтлари ўзи ўқиган кафедрага раҳбарлик қилди. Жазоир мамлакатига бориб ёшлар терма командасида мураббий бўлиб ишлади. Шу орада унинг футболга бағишланган олти китобчаси француз тилида чоп этилди.

Акрамов раҳбар бўлган Ўзбекистон миллий терма командаси «Тошкент-94» Халқаро турнирида ғолиб чиқди, Ўзбекистон мустақиллигига бағишлаб ўтказилган Халқаро мусобақада (унда Голландиянинг «Витесс» ва «НЕК» профессионал командалари ҳам қатнашган) бош совринни қўлга киритди.

Хиросимадан қайтаётган Ўзбекистон спортчиларини Тошкент аэропортида кутиб олиш маросими катта байрамга айланиб кетади. Спорт қўмитаси, миллий Олимпиа қўмитаси, федерациялар аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, оддий мухлислар 12 Осиё ўйинлари иштирокчиларини қизғин кутиб олдилар. Бошқа спорт турларидан совринли ўринларни эгаллаган йигит-қизлар билан бир қаторда қитъамиз мухлисларини лол қолдирган футболчилар алоҳида эътиборда. Ҳамма томондан қутлашлар, табриклашлар, гуллар...

Суюнганидан қувончи ичига сиғмаётган Рустам Акрамов футболчилар билан бирга бу ерга етиб келади. Барча билан қуришаётиб унинг кўзи катта ўғлимга тушиб қолади, айнан у 1994 йил баҳорида Аброрни «Пахтакор» командасида хизмат қилишга таклиф этганди. Табриклашлардан сўнг у Абрордан «Домламиз қўринмайдилар» деб сўрайди, ўғлим эса мени Наманганда сафарда эканлигимни айтади. Шунда Рустам Аброрни қучоқлаган ҳолда «Ахбор акага менинг яна бир бор самимий миннатдорчилигимни билдириб қўйинг. Биласизми, мен у кишига учрашиб «Пахтакор»дан ҳам терма командадан ҳам кетиш ниятим борлигини айтганимда домламиз «Рустамжон эҳтиросларга жиловлаб берилиб кетманг, «Пахтакор»дан кетишингизни кутчилик тушуниши мумкин, лекин миллий терма командани қийин синов олдидан тарк этсангиз, сизни ҳеч ким тушунмайди. Узингизни дўст-душманлар олдида кўрсатиб, ишни қойил қилиб қўйиб ундан кейин кетсангиз ярашади», — деб маслаҳат берган эдилар. У кишининг гапларига кириб ўз ўрнимда қолгандим. Мана ўзингиз кўриб турибсиз, ҳудога минг бор шукур, омадимиз келди, ишқибозларимиз ишончини оқладик, Осиёда энг кучли бўлиб олдик. Ахбор ака сафардан қайтганларидан сўнг албатта учрашамиз, унгача эса у кишига катта раҳматлар айтасиз, илтимос...»

* * * * * * * *

Николай Озеровни собиқ совет-лар мамлакатидаги барча спорт шарҳловчиларининг отахони десак адашмайди, уни танимайдиган мухлис бўлмаса керак. Унинг ўзига ром қилувчи жарангдор овози 12 бор Олимпиада ўйинларидан, шайбали хоккей бўйича 19 марта жаҳон ва Европа чемпионатларидан, 6 марта тўпли хоккей бўйича жаҳон биринчиликларидан, 5 бор футбол бўйича жаҳон чемпионатларидан эшитилган. У спортнинг қўплаб турлари бўйича энг йирик мусобақаларни миллионлаб мухлисларга етказиб бериш учун қораи заминнинг 44 мамлакатига бориб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш нияти мени бир зум ҳам ҳаёлимдан кўтарилмасди.

Атоқли шарҳловчи билан биринчи танишувимиз 1964 йили Тошкентда бўлиб ўтди, Роман Турпишчев иккаламизни таништириб бўлгач Озеров ёнидан визит карточкасини олиб, унинг юқори қисмига «Дустим Ахборга самимий орзу-истаклар билан Н. Озеровдан» деб ёзиб берди.

Биласизми, баъзида шундай бир кишилар билан гаплашиб қоласиз-ки, унинг суҳбатидан туймайсиз, янги-янги саволлар бергингиз, келаверади. Озеров айнан шунақа инсонлардандир.

Уни саволга тутаман: «Николай Николаевич, қайси бир китобда ўқиган эдим. Сизнинг тренерингиз франчи теннисчилар билан машғулот олиб борди, унинг ихтиёридаги яна бир гурухда эса болалар шуғулланишарди, ана ўша машғулотларда иштирок этиш каминага ҳам насиб этган. Машҳур тренер биринчи марта менинг теннис ўйнаганимни кўргандан сўнг, «Бу бақалоқдан дурустгина теннисчи

шиш, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш нияти мени бир зум ҳам ҳаёлимдан кўтарилмасди.

Атоқли шарҳловчи билан биринчи танишувимиз 1964 йили Тошкентда бўлиб ўтди, Роман Турпишчев иккаламизни таништириб бўлгач Озеров ёнидан визит карточкасини олиб, унинг юқори қисмига «Дустим Ахборга самимий орзу-истаклар билан Н. Озеровдан» деб ёзиб берди.

Биласизми, баъзида шундай бир кишилар билан гаплашиб қоласиз-ки, унинг суҳбатидан туймайсиз, янги-янги саволлар бергингиз, келаверади. Озеров айнан шунақа инсонлардандир.

Уни саволга тутаман: «Николай Николаевич, қайси бир китобда ўқиган эдим. Сизнинг тренерингиз франчи теннисчилар билан машғулот олиб борди, унинг ихтиёридаги яна бир гурухда эса болалар шуғулланишарди, ана ўша машғулотларда иштирок этиш каминага ҳам насиб этган. Машҳур тренер биринчи марта менинг теннис ўйнаганимни кўргандан сўнг, «Бу бақалоқдан дурустгина теннисчи экан, ундан сабоқ олиш учун Францияга борганмисиз?» У кулиб жавоб беради: «Кечирасиз, Сиз нечанчи йилда туғилгансиз». «1936 йилда» — дейман. «Ҳа, баракалла, мен айнан 1936 ва 1937 йилларда болалар ўртасида Москва шаҳри чемпиони бўлганман. Ўша вақтлари шаҳримизга теннис бўйича жаҳон чемпиони, машҳур француз спортчиси Анри Коше келганди. Икки йил мобайнида Москвада Коше мактаби фаолият кўрсатди. У бир гурух етакчиқади» деган эди. Кейинчалик теннисдаги барча ютуқларимни мана шу буюк спортчи сабоқларидан деб биламан».

Кейинги учрашувимиз 1970 йилда олтин медаль эгаларини аниқлаш учун Тошкентда ўтган Москванинг «Динамо» ва ЦСКА командалари қўшимча учрашувлари кунларида бўлди. Қизиғи шундаки, ўйиндан аввал қўплаб мутахассислар ўз фикрларини айтиб, бирлари ЦСКА ғолиб чиқади дейишса, бошқалари динамочиларнинг қўли баланд келишини башорат қилардилар. Фақатгина Н. Озеров чемпионни аниқлаш учун бир кунлик баҳслашув камлик қилишини айтаолди. Ҳақиқатан ҳам биринчи куни ғолибни аниқлашнинг имкони бўлмади. Эртасига эса армиячилар 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраётган бўлишларига қарамасдан, ўйинда зўр бурилиш ясаб 4:3 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Бу зафардан сўнг ЦСКА жамоаси раҳбарлари, барча футболчилар Ўзбекистон телевиденисига ташриф буюрдилар, ажойиб қўрсатувни (гарчанд унга аввалдан сценарий ёзилмаган бўлса ҳам) Н. Озеров юқори маҳорат билан олиб борди.

Бундан бир неча йил муқаддам Озеровни шаҳримизга ташриф буюрганлигини билиб уни телевиденисга «Футбол чорраҳаларида» қўрсатувига таклиф этганман. Уни олиб келиш учун «Ўзбекистон» меҳмонхонасига борганимда у хонада машҳур кино артисти Николай Крючков билан қаҳва ичиб ўтирган экан, Озеров иккаламизни таништиради, мен эса вужудга келган имкониятдан фойдаланиб меҳнат қаҳрамони Крючковни ҳам кўрсатувга таклиф этаман. У бўлса «Мен кино артисти бўлсам, футболга қандай алоқам бўлиши мумкин» дейди. Крючковнинг кинодаги роллари эсимга тушади. «Спортивная честь» кинофильмида бош роллардан бирини ўйнагансиз, суҳбатни ўша жойдан бошлаймиз», дейман. «Дўстим, таклиф учун раҳмат, яна бир соатдан сўнг Киночилар уйида мухлисларим билан учрашув режалаштирилган. Сизлар Коля билан бораверинглар, у иккаламиз номимиздан гапиради» — дейди.

Йўлда машинада бораётиб суҳбатдошим билан маслаҳатлашаман:

— Сизга сўз бераётганимда РСФСР халқ артисти, хизмат кўрсатган спорт устаси, мамлакатнинг 40 марта чемпиони деб таништирсам қандай буларкин?

— Буларни ҳаммасини айтиш шартмикан?

— Баъзи мухлислар Сизни теннисчи бўлганингизни билмасликлари мумкинку?

— Бўлмаса, аниқ бўлсин десангиз, мамлакатнинг 45 марта чемпиони деб айтақолинг.

Республика телевизион маркази биносига етиб келганимизда спорт кўрсатувлари таҳририяти ходимлари бизни кутиб туришарди. Эсдалик учун суратга тушдик. Кўрсатувимиз ҳам қўнгилдагидек ўтди: савол жавоблар, ҳазил мутойибалар, эслашлар, хотиралар. Озеров айниқса «Пахтакор — 79» ҳақида илиқ гапларни айтди. «Ҳамон кўз олдимда», — дейди у, — ёшлар ўртасида командамиз Европа чемпиони бўлганларида энг яхши ўйин кўрсаттан Михаил Ан ҳамда Владимир Федоров бўлганди. Эссиз барчалари ҳаётдан барвақт кўз юмишди.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ.
(Давоми бор).

СОВҒА — ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

Узбекистондаги олий ўқув юртлари, шунингдек республиканинг бир қанча йирик кутубхоналари яқин кунларда Буюк Британияда нашрга тайёрланиб, Америка Қўшма Штатларида чоп этилган 22 жилдлик «Жаҳон қомуси»ни олади. Американинг «Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар ва тараққиёт лойиҳаси» хайрия жамғармаси республикамизга 750 минг доллар қийматта эга бўлган қомуснинг 300 нусхасини текинга ажратди.

Жамғарманинг Тошкентда қароргоҳи бўлиб, унинг ходимлари республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан мустаҳкам алоқада ишламоқда. Яқинда Узбекистон олий ўқув юртларига АҚШда нашр этилган иқтисодиёт, менежмент, молияга оид янги адабиётлар келтирилди.

АНДИЖОН ДАРМОНДОРИСИ

Андижон вилояти дорихоналарида камқонли болалар ва ёш болали аёллар саломатлиги учун ниҳоятда зарур гематоген дориси пайдо бўлди. «Андижонгўшт» ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоаси бу дорини республика соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензияси асосида ишлаб чиқара бошлади.

Бу ерда 50 граммли брикет кўринишидаги гематоген тайёрлайдиган махсус цех барпо этилди. Дори ёғи олинмаган сут, шакар, ванилин ва мутлақо соғлом қорамолнинг қонидан махсус технология бўйича тайёрланади.

ҲИНДИСТОНЛИК АРТИСТЛАР ЭКОЛОГИЯ МУҲОФАЗАСИДА

Индира Ганди номидаги Тошкент тиқувчилар маданият саройида Ўзбекистон—Ҳиндистон дўстлик кечаси бўлди. Панжоб штатининг «Бҳангра» фолклор гуруҳи ижросидаги томошалар кеча дастурининг асосини ташкил этди. Ҳиндистоннинг Узбекистондаги элчихонаси ёрдамида «ЭКОСАН» саломатлик ва экология халқаро жамғармаси томонидан уюштирилган ижодий жамоанинг бир ҳафталик сафари шу концерт билан ниҳоясига етди.

Бу хайрли ишни бир қанча давлат ва жамоат бирлашмалари қўллаб-қувватладилар. «Узбекистон ҳаво йўллари», «Узбекториз» миллий компаниялари ва «Тошшўловчитранс» ассоциацияси Ҳиндистонлик артистларнинг Узбекистон бўйлаб бепул юришларини таъминлаб, бу ижодий сафарни ташкил этишга муносиб ҳисса қўшдилар.

УзА мухбирлари.

Сиз кутган учрашув

ДУБЛЯЖИМИЗ МАЛИКАСИ

Римма Аҳмедовенинг жарангдор овозини кинофильм дубляжлари орқали жуда кўп маротаба эшиттансиз. Таъбир жоиз бўлса, бу санъаткорни элга мансур ва машҳур қилган жиҳатларидан бири ҳам унинг шу ноёб овозидир.

Римма опа болалигида актёр бўлишни «хаёлига ҳам келтирмаган» эди. Келажакда балериналикни орзу қилган қизча, уйидагиларни ҳам, ўртоқларини ҳам ғашини келтириб балет томоша қилар экан, ҳаёлан Чайковский оққушларининг бирига айланарди...

Кейинчалик у ўз орзусига эришиш учун рақс тўгарагига ёзилди. Ҳамсабоқлари билан биргаликда кўплаб жойларда ўз маҳоратини намойиш этади. Ўшандай чиқишларининг бирида... Кўзларида ўт порлаган, чаққон ва нафис ҳаракат қилаётган ва албатта қўнғироқдек овози бор, ўн олти ёшли қиз — Римма ўз даврининг етук санъаткорларидан бўлган Рихсибой Орифбоев назарига тушади. Ва худди шу актёр уни болалик орзусидан йироқлашишига сабабчи бўлди. Риммани истеъдодли актёр Раззоқ Ҳамроев раҳбарлигида очилган мусиқали драма курсига таклиф қилишади. Аммо у балерина бўлолмаганига яраша мусиқали драма йўлидан ҳам кетмоқчи эмас эди. Шу боис кейинчалик ёш актёрлар бўлимига ўтиб кетади. Сўнгра Римма «орзу қилмаган», лекин сирли саҳна билан боғлиқ ҳаёт бошланади. Аввал Театр ва рассомчилик институтидаги сабоқлар, ўқиш-ўрганиш, кейин эса чинакам театр саҳнаси, илк қадамлар, илк роллар...

Мана, югурик вақт 33 йилни ҳам ортда қолдирди. Бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Римма Аҳмедова саҳнада ўз ўрни, дубляжда эса ўз овозига эга устоз санъаткор.

— Римма опа, ўзбек тилига дубляж қилинган кинолар орқали сизнинг овозингиз кириб бормаган хонадон йўқ. Айтинг-чи, ўзингиз дубляжга қандай «кириб қолгансиз?»

— Театр ва рассомчилик институтининг иккинчи босқичида ўқирдим. Қандайдир фильм (ҳозир ҳатто номи ҳам эсимда йўқ) дубляжида эпизодик ролга овоз беришда иштирок этдим. Омадимми, бахтимми, таниқли актёр, раҳматли Ҳамза Умаров мен билан қизиқиб қолдилар. Шундан сўнг менга бетакрор санъаткор билан қўплаб кинодубляжларда ҳамкорлик қилиш насиб этди.

— Сухбатимиз бевосита эл суйган актёр билан бошланди. Айтинг-чи, Ҳамза Умаров билан ишлаш қандай эди?

— О, қани эди у кунларни қайтариб бўлса. У киши асосан салбий — тошбағир одамлар ролини ижро этган бўлсалар ҳам ҳаётда оқкўнгил одам эдилар. Ҳамза ака нафақат роль ижросига, балки дубляжларга ҳам ўта талабчанлик билан ёндашардилар. Ўзлари қоникмаган жойларини қайта-қайта ёздиришдан эринмасдилар. Кейин у кишининг яхши бир хислатлари — тинимсиз изланишлари билан шогирдларга шахсий намуна кўрсатардилар. Мен ҳақли равишда улардан жуда кўп нарсани ўргандим.

— Дубляж санъатининг бошқа санъатлардан фарқи нимада?

— Дубляж актёрлик билан узвий боғлиқ, фарқи шундаки, дубляжда роль ижро этмаган ҳолда овозингиз роль ўйнайди. Тушунтиролдимми, микрафон олдида туриб кинодаги актёрлар меҳнатини очиб беришингиз керак бўлади.

— Ўзингиз роль ижро этмай туриб, овоз беришда қандай йиғлайсиз. Ё «артистлик» қиласизми?

— Нимага энди, чиндан йиғлайман. Актёр кулса кулиб, йиғласа йиғлаб беришингиз, бутун фикри зикрингиз билан «ўша» актёрга айланишингиз керак. Фараз қилинг, мен Наташа Ростованман, у ғам, алам ичида, йиғлаяпти. Мен эса буларни барчасини Наташа Ростова бўлиб, юрагимдан ҳис қиламан, йиғлайман. Кувончини ўзимники санаб, кулса, куламан. «Номингни унутма» фильмидаги она образини эсланг. Ахир, мен ҳам онаман, фарзандларим бор. Ундаги оналик туйғуси менга бегона эмас, шундан экан, унинг дарди менинг дардимга айланади, у билан тенгма тенгига юрак-юрагимдан фарёд отилиб чиқади.

— Римма опа, дубляж соҳасидаги ишларингиздан ҳамма вақт ҳам қониқасизми? Умуман, дубляж учун актёр қандай танланади?

— Тўғрисини айтсам, ўзим дубляжда иштирок этган кинолардан ўнтачасини уялмай кўра оламан. Дубляж режиссёри кинони бир сидра кўриб чиқади ва ҳар бир актёрнинг табиатига, гапириш маромига, руҳиятига қараб овоз берувчи актёр танлайди. Баъзан уч-тўрт номзод ичидан овози яхши тушгани танлаб олинади. Шахсан менга Россия актрисаларидан Касаткина, Савелиеваларга кўпроқ овоз беришга тўғри келган.

— Сир бўлмаса айтинг-чи, бир дубляжингиз учун қанча ҳақ оласиз?

— Бу матнининг катта-кичиклигига боғлиқ. Анчадан бери жиддий дубляжларда иштирок этганим йўқ, аммо вақтида энг катта дубляжим бўлган Наташа Ростова учун 37 сўм олганман. Ҳозир илгаригидек дубляж кўп эмас, сабаби маблағ етишмайди. Қани эди, иқтисод тезроқ ўз йўлига тушиб кетсаю, янги-янги киноларни халқимиз ўз она тилида томоша қилса.

— Киноларга қайта овоз бериш ҳоллари ҳам учраб турадими?

— Ҳа, яқинда «Тоҳир ва Зуҳра» фильмига янгидан овоз берилишига тўғри келди. Бу фильм ўзбек кино санъатининг энг ажойиб дурдоналаридан бири. Фильмда роль ижро этган актёрларнинг аксарияти бугун орамизда йўқ. Айни пайтда кинода овозда эскирган, сифати бузилган, шунинг учун фильмни Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроевларнинг ўз овозлари билан томоша қилиш қанчалик завқли бўлмасин, унга қайтадан овоз беришга мажбур бўлдик.

— Сизни театр саҳнасида ҳам тез-тез кўриб турамиз, лекин негадир кинофильмларда кам кўринасиз?

— Йигирма йил илгари «Ой бориб, омон қайт» фильмида суратга тушгандим, аммо ҳеч кўнглим тўлмади. Театр менга қулайроқ, қизиқарлироқдек туюлади. Шундай бўлсада, кейинги вақтларда «Запорожец», «Ўғри ҳам одам», «Бомба» каби қатор фильмларда роль ижро этдим.

— Ўзбек дубляжининг бугунги тақдири ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳозир дубляж соҳасида анча «ўтириб» қолдик. Лекин мен бир нарсани ишонч ва фахр билан айта оламанки, ҳеч қаерда дубляж бизлардагичалик санъат даражасига кўтарилган эмас. Биз бу соҳада катта мактаб ярата олганмиз. Фикримнинг далили сифатида бир воқеани айтиб берай. Бир вақтлар Ленин, коммунистик партия ҳақидаги киноларнинг Иттифоқ миқёсидаги дубляжлари Москвада таҳлил қилиниб турарди. Шундай йиғинларнинг бирида Ҳамза Умаровнинг Ленинга овоз берган бир фильми ўта муваффақиятли деб топилган. Ленин кинонинг қайсидир жойида французча термин ишлатиб ўтади. Ҳамза Умаров анча изланишлардан сўнг бу терминни худди Ленин каби, чучук тил билан айнан француз тилида талаффуз қилолган эди. Кино намойиши шу лавҳага етганда залда ўтирганларнинг барчаси тик туриб, чапак чалиб олқишлашади. Бу тарих. Тарихни эса ўчириб бўлмайди.

Ҳозир Россия кино студиялари орқали кўплаб чет эл кинолари рус тилига дубляж қилинаяпти. Масалан, «Оддий Мария», «Санта Барбара», «Шаддод Роза» фильмларини олайлик. Бир актёр икки ёки учталаб ролга овоз берган ҳолатлар учрайди. Бу эса дубляжнинг сифатига путур етказади. Бу дубляжларда фақат таржима бор, санъат йўқ. Ишқилиб, дубляжга нисбатан бундай енгил-елпи муносабатдан бизлар йироқ бўлсак, ютамиз.

— Римма опа, айни кунларда муборак Рамазон ойи муносабати билан Республика ойнаи жаҳони орқали Миср Араб Республикасида суратга олинган «Муҳаммадун Расуллуллоҳ» кўп қисмли фильм намойиш этилмоқда. Уни катта қизиқиш ва завку-шавқ ила томоша қилаётган юртдошларимиз фильмдаги бир қатор ижрочилар сизнинг овозингизда ўзбекча «гапираётганлигини» аллақачон билиб олишган. Мумкин бўлса, дубляж жараёни хусусида тўхталиб, шу асар ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларингизни муштарийларимиз билан ўртоқлашсангиз.

— «Муҳаммадун Расуллуллоҳ» фильмига овоз беришда Ойбарчин Бакирова, Афзал Рафиқов, Ҳожиакбар Нурматов каби халқнинг кўнглидан жой олиб улгурган таниқли санъаткорлар иштирок этишаяпти. Фильмнинг илк қисмлари, қолаверса, «Маҳбҳорат» ҳинд эпоси дубляжида орттирган таржиба ва кўникмаларимиз бугун жуда қўл келяпти. Режиссёр Ҳожимурод Валиев ҳамда муҳаррир Вазира Раҳимоваларнинг бу ишга сидқидилдан киришганликлари ҳам ижобий натижалар бераяпти. Ҳозир ўтган йилдагига нисбатан анча яхши шароитда ишлаш имконига эгамиз.

Инсонни Ҳақ йўлига ҳидоят этувчи тарихий-маърифий бу нодир асар томошабинларимизнинг ҳам кўнгил мулкига айланиб бораётганлигига шубҳам йўқ. Чунки кўпчилик ҳозирдан бизларга мактуб йўллаб, қўнғироқ қилиб, 150 қисмдан иборат бу фильмни Рамазон ойидан кейин ҳам; ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир кун намойиш этиб боришимизни сўрашмоқда. Бу ҳол халқимизда ўзликни танишга иштиёқ нечоғлик кучли эканлигидан далолатдир.

Сухбатдош Мавлуда АНОРБОЙ қизи.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- Ака-ука ботирлар
- Меҳр оғушида

Газета саҳифаланаётганда:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон республикаси валюта биржасида 1996 йил 6 февралда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 21,49 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,00 сўм даражасида қайд этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

2 март 18. 00 «МЎТТИ» театри А. Навоий номидаги санъат саройи (Панорама кинотеатрида)

«Мўтти» театрининг икки йиллигига бағишлаб «КИМ ТЕНТАК?»

Янги ҳазил-шоу дастурини ҳавола этади.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Республика кулгу усталари танлови ғолиби, кулгу устаси, киноактёр — Шерали Ҳожиев.

«Камолот» Республика-қўшиқчилар танловининг совриндори — Абдурашид Исоқов

«МЎТТИ» ТЕАТРИ АКТЁРЛАРИ:

Убайдулла Қўчқоров, Абдувосит Рўзиматов.

«Мўтти» театри фольклор ва рок-поп қўшиқлари ижрочиси — Алишер Ҳамроев

КУЛГУ-ҚЎШИҚ ОҚШОМИГА МАРҲАМАТ!

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИ

Узбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини таклиф этади.

Валюта омонатлари Узбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек Узбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари, ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

«Талаб қилиб олинадиган» омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган «муддатли» омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

«Талаб қилиб олинадиган» омонатга камида 200 АҚШ долларига, «муддатли» омонат очишингиз учун эса 500 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйилса ёки нақд пулсиз ўтказилса кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан, ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ.

«Туркистон» газетаси таҳририяти Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири Янгибой Қўчқоровга отаси **Бозорбой ҚЎЧҚОРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Марказий Қўмита Биноларидан фойдаланиш Дирекцияси директори Мирзадаврон Мирпўлатовга синглиси **Гулчехра НАРЗУЛЛАЕВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 36-56-58; хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—34 Нашр кўрсаткичи 64607

Таклиф ва фикр мулоҳозаларингизни кутамиз.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 070 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6